

# SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқни сақлаш масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда чоп этилади



И. Шилевок сурати

Янги туғилган эгизак сайгоқчалар – бизни ҳимоя қилинг!

## Тахририятдан

2010й. май ойида Урал (Фарбий Қозоғистон) популяциясига мансуб 12 000 сайгоқнинг жасади топилди. *Saiga News* ушбу сонига бу фожианинг турли томонлари ва унинг сабаблари мулоҳаза қилинган учта мақолани киритдик. Бу ходиса урал популяцияси ва умуман турга жиддий зарба берди ва бизга сайгоқ учун лимитловчи омил сифатида касалликларнинг аҳамияти тўғрисида эслатди. Бу сайгоқни сақлаш бўйича CMS Ҳамжихатлик Меморандумини имзолаган тарафларнинг кенгашида сентябрда бўлиб ўтадиган кейинги ўрта муддатли ишчи дастур(СРП)нинг мувофиқлашуви олдида жуда ўз вақтидаги эслатиш бўлди. Қизиғи шундаки, 2006 йилда биз ишчи дастурни қабул қилганимизда касалликлар тур учун яширин хавф сифатида кўрилмаган, чунки бир неча йил давомида сайгоқлар орасида эпизоотияларнинг тарқалиши кузатилмаган.

Қозоғистон ҳукумати фожиага тез, самарали ва мувофиқ муносабат билдирди.

Қозоғистонда сайгоқларнинг ўлими матбуот томонидан катта қизиқиш уйғотди, бу эса турнинг миллий аҳамиятини намоён этди. Ўлим ҳоллари шунингдек халқаро жамоатчилигининг ҳам эътиборини жалб этди – кўп рўзнома ва ойнотмаларда бу мавзуга мақолалар бағишланган эди. Натижада Халқаро табиатни муҳофаза қилиш жамияти Қозоғистон раҳбариятига тезда ёрдам кўрсатди: қандай ёрдам кераклигини маслаҳатлашиб олиш учун CMS томонидан сим орқали конференция ташкил этилди; Фауна ва Флора Интернешнл ҳамда Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс Мухамед Бин Зиед Фонди, Save Our Species ҳамда People's Trust for Endangered Species фондларининг донорлик ёрдамини жалб этиш орқали халқаро молиялаштиришни топди. Урал популяциясини тиклаш бўйича энг муҳим ва шошилинч вазифаларни ечиш, шу жумладан,

Давоми 2–бетда

# МУНДАРИЖА

<b>Тахририятдан</b> .....	<b>1</b>
<b>Форум</b> Қозоғистонда сайғоқларнинг ялпи қирилиши – 12 000 зот нобуд бўлди.....	<b>2</b>
<b>Янгиликлар</b> .....	<b>5</b>
<b>Мақолалар</b> <i>Э.Шилегдамба, А.Е.Файн, Б.Бувейбатмар, Б.Лхагвасурен, К.Муррей, Дж.Бергер.</i> Мўғул сайғоғини ( <i>Saiga tatarica mongolica</i> ) уй хайвонларининг кассаликларига мойиллиги.....	<b>10</b>
<i>Н.А.Франов, В.В.Гагарин</i> «Астраханское» давлат тажриба овчилик хўжалигида сайғоқларни кўпайтириш .....	<b>11</b>
<i>А. Ж.Жатканбаев</i> Шимоли-Шарқий Балхаш олди (Қозоғистон) – турнинг замонавий ареалида сайғоқ( <i>Saiga tatarica tatarica</i> ) нинг яна битта сақланиб қолган яшаш жойи .....	<b>13</b>
<i>Д.А.Нуриджанов, А.С.Нуриджанов</i> Возрождения ярим оролида сайғоқ популяциясини кузатиш . ....	<b>13</b>
<i>А. В.Хлуднев</i> Сайғоқларни сақлаш – бизнинг умумий ишимиз.....	<b>14</b>
<i>Гуйхон Цзян</i> Медицинада сайғоқ шохининг ўрнига уй буйволининг шохидан фойдаланиш. . . . .	<b>15</b>
<i>К.Хау, О.Обгенова, Э.Дж.Милнер-Гулланд</i> Россияда информацион-оқартув кампания натижаларини баҳолаш.....	<b>16</b>
<i>А.Б.Нурумбетова</i> Меҳр билан бошланган иш ўз ҳосилини беради.....	<b>17</b>
<b>Лойиҳалар шарҳи</b> .....	<b>18</b>
<b>Янги нашрлар</b> .....	<b>20</b>

*Давоми (1–бетда)*

эпизоотологик текширув ўтказиш ва маҳаллий аҳолини сайғоқни сақлаш жараёнига жалб этиш бўйича ишларни тўғридан тўғри молиялаштириш мақсадида, Халқаро НПОлар Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Ассоциацияси ва давлат табиатни муҳофазақилиш ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Сайғоқлар фақат Уралда эмас, балки популяциянинг стабиллигига браконьерлик таҳдид қилишни давом этаётган Устюртда, ҳамда сайғоқлар қаҳратон киш ва давом этаётган браконьерликни бошдан кечирган Шимолий-Ғарбий Каспий олдида ҳам оғир замонларни кечирмоқда. Мўғул ва бетпақдала популяциялари билан вазият анча яхши. 2006 й. ҲМ биринчи кенгашидан кейин кўп нарсага эришилган бўлсада, сайғоқ бўйича СРП кўйган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларимизни давом эттириб кучайтиришимиз; тур сонини қисқаришга майллигини ўзгартиришимиз керак. Сентябрда CMS кенгашида мен иложи борича кўп одам билан учрашмоқчиман.

*проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд,*

Сайғоқни сақлаш бўйича альянс раиси,  
[e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)

## Форум

### Қозоғистонда сайғоқларнинг ялпи қирилиши – 12 000 зот нобуд бўлди

Сайғоқларнинг ялпи қирилиши, хайвонлар кўзилаш вақтига тўпланган Борса посёлкасида шимолга Шимолий-Қозоғистон областининг шимоли-ғарбий қисмида 2010 йил 18 майдан 21 майгача бўлган даврда юз берди. 11920 сайғоқ нобуд бўлди, шу жумладан 7625 урғочи, 4250 боласи (янги туғилган сайғоқчалар) ва 45 эркаги; бу урал популяцияси умумий сонининг 1/3 қисми (2010 й. апрел ойида сони 39 минг зотдан иборат эди).

Ветеринария, медицина, зоологик ва табиатни муҳофаза қилиш муассасаларининг вакиллари ва мутахассисларидан иборат бўлган комиссиянинг дастлабки хулосасига кўра “техноген хусусиятли хлорорганик бирикмаларнинг мумкин бўлган токсик таъсири натижасида ва совуқ қишдан сўнг ялпи кўзилаш даврида урғочилар организмни табиий резистентлигининг пасайиши шароитида пастереллэз (кўзгатувчи *Pasteurella multocida*)нинг тарқалиши сайғоқларни ялпи қирилишининг сабаби бўлган”. Ташхис ҚР ҚХВ Республика ветеринария лабораториясининг Шимоли-Қозоғистон области бўйича филиали ва ҚР Соғлиқни сақлаш вазирл. Урал ўлатга қарши станцияси томонидан ўтказилган, нобуд бўлган сайғоқ ва уй хайвонлари (6 бузук) дан олинган патологик материалнинг лаборатор анализи асосида қўйилган. Шунингдек ҚР ҚХВ ветеринария бўйича Миллий референт маркази томонидан нобуд бўлган сайғоқ, тупроқ ва ўтдан олинган патологик материал намуналари текширилди, бунинг натижасида хайвонларнинг ошқозони, ичаги ва жигарида хлор ионлари 3,3

хисса, тупрок ва ўтда эса мос равишда 5,3 ва 8,0 хисса кўплиги аниқланди.

Илгари Қозоғистонда сайғоқларнинг пастереллездан ялпи қирилиши 1981, 1984 ва 1988 йилларда кузатилган. Собиқ Турғай области ҳудудида 1981 й. май ойида 100 мингга яқин, 1988 й. май ойида 270 мингга яқин, Волга-Урал оралиғида 1984 й. феврал-март ойларида 100 мингдан ортиқ сайғоқ нобуд бўлди. Нобуд бўлган ҳайвонларда барча ҳолларда (2010 йилда ҳам) бурун ва оғиз бўшлиғидан қонли кўпик ва орқа тешиқдан қон аралаш суюқ нажас массаси келиши белгиланган.

Ўликларни ёришда ўпканинг гиперемияси ва қаттиқланиши, кўкрак бўшлиғида қонли суюқлик, жигар ва талокнинг бир мунча қатталаниши ва гиперемияси белгиланган. Касал ҳайвонларда кучли жабрланиш, нафас қисиши, чайқалиб юриш, сўлак оқиши, мушакларнинг



Ил. Вестни-Россия сурати

Қозоқ эпидемиологлар сайғоқлар ўлимининг сабабини аниқламоқда.



РЕСПУБЛИКА ҚЗ сурати

Пастереллездан нобуд бўлган сайғоқлар. 2010 й. май ойи

беихтиёрий қисқариши кузатилган. Касаллик ўткир септик шаклда кечган ва жониворлар 3-6 кун давомида нобуд бўлган. Пастереллезни бундай тарқалишининг сабаблари унча тушинари эмас. Клиник соғлом сайғоқлар касаллик кўзгатувчининг тарқатувчиси бўлади ва, эҳтимол, баъзи бир аниқ шароитларда унинг вирулент хусусиятлари кучаяди ва бу ҳайвонларнинг ялпи касалланиши ва нобуд бўлишига сабаб бўлади. Сайғоқларнинг ялпи қирилиши кузатилмаганда алоҳида касал сайғоқлар учраган ҳоллари маълум, бу баъзи бир зотларда касалликнинг хроник кечиши ва эпизоотиялар орасидаги даврда инфекциянинг сақланишида айрим касал ҳайвонларнинг роли жоизлигидан далолат беради. 1988 ва 2010 йилларнинг жуда қорли қишидан сўнг жониворларнинг озиши ва ҳолдан тойиши шу йилларнинг май ойларида пастереллез тарқалишининг сабаблиридан бири бўлиши мумкин эди; 1988 йилнинг қишида ем-хашак қаҳатчилигидан ҳатто сайғоқларнинг нобуд бўлиши кузатилган.

Келажакда сайғоқларнинг ялпи нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида, комиссия томонидан белгиланган асосий чора-тадбирлар: ҳайвонлар ва улар яшаш муҳитининг мониторинги; сайғоқлар касалликларини ва уларни олдини олиш чораларини ўрганиш; яйловларни эпизоотологик текшириш; уй ҳайвонларини эмлаш ва пастереллез ўчоқларини дезинфекциялаш; аҳолини пастереллез билан зарарланишдан муҳофазалашни ташкил этиш.

Б.ф.н. Ю.А.Грачев, б.ф.д., проф, А.Б.Бекенов  
ҚР МОН Зоология институтини,  
[teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru)

## Сайғоқларни пастереллездан нобуд бўлишининг мумкин бўлган сабаблари

Қозоғистонда сайғоқларни пастереллез билан касалланиш ва нобуд бўлиш ҳоллари илгари ҳам аниқ бўлган. Пастереллез эпизоотиялари Мўғулистонда ҳам ёввойи кемирувчи – Брандт даласичқони (*Lasiopodomys brandti*) ва суғур (*Marmota sibirica*) лар орасида белгиланган. Бироқ энг катта ўлат мўғул дзеренлар (*Procapra gutturosa*) орасида кузатилган. 1974 йилда 140 минг дзерен нобуд бўлди, кейин бу ҳайвонларнинг ялпи нобуд бўлиши 1980, 1983, 1985 йилларда такрорланган. Шунингдек пастереллез инфекцияси “Астраханское” Давлат овчилик хўжалиги питомнигида яшайдиган сайғоқларга мана беш йил давомида зарар етказётганини ҳам белгилаш керак, (Н.А. Франов ва В.В.Гагарин мақоласини қуйида қар.).

Оддий шароитларда пастереллар, ҳайвонларга ҳеч қандай зарарли таъсир кўрсатмасдан, уларнинг нафас олиш йўллариининг юқори қисмида яшайди. Кўпинча

аммо бирорта ноқулай шароит таъсирида бўлган ҳайвонларга зарар еткази. Касаллик жуда ўткир кечи, одатда, авж олишдан бошлаб 10-30 соатдан сўнг жониворнинг ўлими билан тугайди. Касалликнинг бирдан авж олишига нима туркич бўлади - джуг, бошқа инфекция, сифатсиз озуқа, ортиқча совиб ёки қизиб кетиш ва шу қабиларми? Мўғулистонда (Ротшилд ва бошқ., 1988<sup>1</sup>) ўз вақтида ўтказилган тадқиқот, бундай авж олишларнинг табиатини тушуниш учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Дзеренларнинг ўлими озуқа бўлган ўсимликларда микроэлементларнинг аномал миқдори билан боғлиқ бўлган. Шундай қилиб ҳайвонларни энг оғир касалликлари ўсимлақларда мис ва молибден миқдорининг ўзгариши, кўрғошин ва рух концентрациясининг ошиши ва кобальтнинг етишмовчилиги билан боғлиқлиги кўрсатилди, бунинг натижасида кучли ич бузилиши ва кўп ички аъзолар

<sup>1</sup> Е.В.Ротшилд, А.К.Евдокимова, Л.Амгалан. Ўсимликларда микроэлементларнинг аномал миқдори мўғул дзерени ўлишининг омилли сифатида. МОИП Бюл., биол. Бўл. 1988, Т. 93, В. 2, 35-42 б.

атаксия (ёки молибден токсикози) ривожланади.

Бунда хайвонларнинг ҳолдан тойган, нимжонлари эмас балки семиз, йириклари нобуд бўлган. Дзеренларнинг нобуд бўлиш вақтида яйловлардаги озуқада баҳорги-ёзги мавсумда кобальт танқислиги билан кечадиган миснинг жиддий етишмовчилиги; ёзнинг охирида кўрғошин ва айникса рухнинг организмга кўпроқ тушишига олиб келадиган озуканинг алмашиши, ва ниҳоят, хайвонлар майдони чекланган яйловларда молибденнинг катта дозаларини олиши аниқланган.

Умуман, Е.В.Ротшильд ҳаммуалифлар билан ёзишча, ёввойи хайвонлар биогеохимик аномалияларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланган деб ҳисоблашга ҳеч қандай асос йўқ, ва ёввойи фаунанинг турли ночор ҳолатларининг мумкин бўлган сабаблари орасида бу омилни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар мавжуд бўлган популяцияларни сақлаш, ноёб

турларнинг иқлимлаштирилишини асослаш, муҳитни антропоген ўзгариши оқибатлирининг прогнози, инсон соғлиги ва чорвачиликка бўлган зиённинг олдини олиш каби масалаларни ечишга тўғридан тўғри тегишлидир. Хайвонлар организмга баъзи бир микроэлементларни ортикча киришининг зарарли оқибатларини уларнинг рационига мис купоросини катта миқдорда қўшиб, сунъий равишда камайтириш мумкин. Бундай усул Е.В.Ротшильд ва бошқ. (1988) мақоласида таърифлангандай, қўйлар ўтлайдиган яйловларда амалда муваффақиятли қўлланилган (майдаланган кристалл мис купоросини самолётдан сочиб сепилиши). Шубҳасиз, Ғарбий Қозоғистонда сайгоқлар ўлимининг сабабларини аниқлаш учун тадқиқотлар ўтказишда сайгоқлар нобуд бўлган ҳудудларда озуқа таркибини биогеохимик текшириш учун намуналар олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

б.ф.н. А.А. Лушчекина,

МАН/ЮНЕСКО, Россия қўмитаси [saigak@hotmail.com](mailto:saigak@hotmail.com)



Чопаётган дзеренлар подаси.

## Ёввойи хайвонларнинг пастреллёз билан касалланиши ҳоллари

Пастереллёз – бу, қўзгатувчиси *Pasteurella* ҳамда *Mannheimia* ва *Vibersteinia* туркумларига оид бактерия бўлган, дунёда жуда кенг тарқалган касаллик. Ҳатто битта тур чегарасида, баъзида бошқаларига нисбатан, жиддийроқ касалликларга олиб келадиган турли шакллари мавжуд. Пастереллёз комплексдаги бактериялар ҳатто соғ эгаларининг нафас олиш йўлларида яшаши мумкин. Чанг, паразитар куртлар ёки токсинлардан пайдо бўлган шикастлар, нафас олиш йўлларидаги инфекциялари, стресс ёки корни овқатга тўймасликдан келиб чиққан иммун етишмовчилиги бактерияларнинг ўпка ва кон тизимига ўтишига қулай шароитлар яратиши мумкин. Касаллик жудда ҳавфли бўлиб, пневмония ва ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Қорин бўшлиғининг шишиши ҳамда оғиз ва бурун атрофида кўпик бўлиш эҳтимоли нобуд бўлишдан кейин хос бўлган белгилар бўлади. Бактериялар конни зарарласа, сепсис бошланади ва тезда, кон қуйилиши ва диарея билан кечадиган ўлимга олиб келади. Қўйларда пастереллёз одатда нафас олиш касалликларининг сўнгги босқичларида бошланиб, асосан қўзи ва қари хайвонларга кўпроқ зарар етказиши, бироқ, ўлимнинг юқори миқдори билан бирдан авж олиши ҳам мумкин. Бактериялар организмдан ташқарида узок вақт яшай олмайди, улар бир зотдан иккинчисига бевосита контакт йўли билан ўтади.

Пастереллёзнинг бирдан авж олишига олиб келадиган турли омилларнинг қўшилиши, ҳатто қўйларда ҳам ҳар доим аниқ бўлмайди. Шундай қилиб, кўпинча касаллик турли жойлардан келган хайвонларнинг (масалан, бозорда) аралашидан сўнг авж олади. Бу эҳтимол, аралашин натижасида янги патоген шакл қонга ўтиши, ёки хайвонларнинг катта зичлиги ва стресс сабабли бўлиши мумкин. Нафас йўлларидаги вирусли инфекцияси бошқа иммунитетни пасайтирадиган касалликлар каби пастереллёзнинг иккиламчи авж олишини қўзғатиши мумкин. Пастереллёз комплекси бактерияларининг баъзи

шаклларига ёввойи хайвонлар, уй хайвонларига нисбатан, мойилроқ бўлиши мумкин. Масалан, толсторог, *Ovis canadensis* пастереллёзга ўта мойил, касалликнинг такрорланган авж олишларининг натижасида Шимолий Американинг баъзи ҳудудларида популяцияси 90 % га қисқарган. Касалликнинг баъзи тарқалишлари уй қўйларидан патоген шакллarning юкиши, баъзилари эса одатда ёввойи қўйларнинг организмда яшайдиган нопатоген бактериялар асосида, стресс ёки респиратор вируслар келтирган касалликлар натижасида юзага келган деб ҳисобланади. *Ovis canadensis*да пастереллёзнинг авж олишлари кейинги йилларда ёшларининг камайишига олиб келди, бу эса келажакда популяциянинг яшовчанлигини пасайтирди.

Вақти билан касалликнинг авжга олишидан сўнг пастереллёз гуруҳининг бактериялари кўпинча кавш қайтарувчи хайвонларнинг бошқа турлари, жумладан антилопалардан алоҳида бўлиб қолади. Бироқ, сабаб-оқибат омилларнинг ўзаро мукамал таъсири ва бактерияларнинг соғ хайвонларнинг организмда ҳам мавжудлиги сабабли, бундай нобуд бўлиш ҳолларида пастереллёзнинг ролини аниқлаш жуда қийин ёки умуман иложиси йўқ. Пастереллёз ташҳисига, ҳамроҳ бўлиши мумкин бўлган омилларнинг баҳоланиши илова қилиниши кераклиги равшан. Бу парагрипп вируси, ёки респиратор-синтициал вирус, каби вируслар мавжудлигига анализ, ёки бошқа стресс сабабчиларидан иборат бўлиши мумкин. Сайгоқлар учун стресс сабаблари орасида баҳор мавсумида каттик қишдан кейин тўйиб озикланмаслик, қўзилаш даврида ургочилар иммунитетининг пасайишини белгилаш мумкин. Умуман болаларининг тўдаларида зотлар орасида инфекцияни юкишига шароитлар яратилади.

Ёввойи табиатда пастреллёзни назорат қилишнинг ишончли усуллари йўқ. Баъзи уй хайвонлари учун вакциналар мавжуд, бироқ уларнинг таъсири ёввойи хайвонларда тўлиқ ўрганилмаган, ҳар қандай ҳолда ҳам

улардан фойдаланиш қийин ёки иложиси бўлмайди. Толсторог билан бўлган ҳолда назорат *Ovis canadensis* яйловларида чорва молларини боқмасликка келтирилади. Умуман олганда, ўхшаш стратегия сайғоқ учун ҳам қўлланилиши мумкин эди, масалан, контакт ва касаллик тарқалиши хавфини қисқартириш мақсадида, болаларининг тўдалари яқинида молларни боқишга йўл қўймаслик учун.

Бу, сайғоқ популяциясига асимптоматик бактерияларнинг таъсири натижасида юзага келадиган касаллик тарқалишининг олдини ололмаса ҳам, кўпайиш даврида подалар яқинида одам ва молларнинг камайиши, стрессни камайитиришга ёрдам бериб касалликнинг олдини олар эди. Сайғоқ билан бўлган ҳолда, баҳорги тўпланишларнинг ёйилиб юборилиши ва ёз мавсумида озуканинг яхшиланиши бу йил пастереллёз (агар ҳақиқатдан ҳам сабаби пастереллёз бўлган бўлса) авж олишидан сўнг омон қолган ҳайвонлар орасида кейинги ўлим ҳолларини чегаралаши керак.

Келажакда сайғоқлар орасида пастереллёзнинг тарқалишига нима олиб келишини яхшироқ тушиниш зарур. Касалликни олдиндан айтиб бериш бўйича яхшилانган имкониятлар вазиятни бошқаришга имкон берад эди, масалан, каттиқ кишлардан сўнг қўшимча озук беришни ташкиллаштириш орқали. Бу амалий бўлмаса ҳам, сайғоқларга ўхшаш таъсири олдиндан айтиб беришга, уларни сақлаш бўйича реал мақсадлар қўйишга ёрдам беради. Агарда касалликдан ялпи нобуд бўлиш сайғоқни табиий экологиясининг қисми бўлса, бу, бундай авж олишларни келтира ёки кучайтира оладиган антропоген омиллар таъсирини максимал чеклаш бўйича тавсияларни киритиш йўли билан сайғоқни сақлаш бўйича стратегияларда акс эттирилган бўлиши керак. Сайғоқларда



Сайғоқларнинг шишган қоринлари - пастереллёзга хос белги.

Масала тўлиқ ўрганилганда касаллик эпидемиологиясини тушинишни яхшиланишига эришиш мумкин, чунки касаллик ривожланишига ёрдам берувчи омиллар яхши ўрганилмаган. Инфекция юзага келишининг мумкин бўлган ҳолларини ҳам кўзда тутиш зарур, масалан, келаси ҳолларни, агар бундайлар аниқланса, тестдан ўтказиш учун материалларни сақлаш усулларини ишлаб чиқиш. Ўлик ва тирик сайғоқлар танасининг ҳолати, озуканинг ҳозирги ва олдинги ҳолати, сайғоқлар ва уларнинг касалликларининг жойда тарқалиши каби таъсир кўрсатиши мумкин бўлган экологик омиллар бу текширувларга киритилиши керак.

*Д-р. Эрик Морган,*  
ветеринар паразитология ва экология илмий гуруҳи  
Бристол университети, Буюк Британия,  
[Eric.Morgan@bristol.ac.uk](mailto:Eric.Morgan@bristol.ac.uk)

## Янгиликлар

### Ўзбекистон ва Қозоғистон сайғоқнинг умумий популяциясини сақлаш ва тиклаш тўғрисидаги икки томонлама битимни имзолади

Интерфакс агентлиги хабар беришича, 2010 й. 17 март куни Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбаевнинг Ўзбекистонга бўлган расмий ташрифи доирасида Тошкентда бешта ҳужжат имзоланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси Нариман Умаров ва Қозоғистон

Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Ақилбек Куришбаев сайғоқ популяциясини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва барқарор ривожланиши бўйича Битимни имзоладилар. *Батафсил*  
[http://www.interfax.kz/?lang=rus&int\\_id=10&news\\_id=5121](http://www.interfax.kz/?lang=rus&int_id=10&news_id=5121)  
да.

### Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс хайрия ташкилоти расмий мақомини олди

2010 й. 10 май куни Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс расмий хайрия ташкилоти бўлди ва Англия ҳамда Уэльс хайрия ташкилотлари бўйича Комиссия томонидан легаллаштирилди (№ 1135851). Бу, SCA Буюк Британияда тўлиқ қонуний мақомга эгаллиги ва кўп миқдорда грантлар олишга талабнома бериши мумкинлигини билдиради. Шунингдек бу, донорлар биз танилган ташкилотлигимиздан хотиржам бўлиши мумкинлигини билдиради. SCA устави, тизими ва штати бўйича информацияни

[www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) вебсайтида топишингиз ва раис ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)) ёки ижроия котибдан ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)) олишингиз мумкин. SCA ҳар йилги умумий кенгаши 2010 й. 11 сентябрда CMS ҲМ учрашувидан сўнг, соат 14.00 да Залучуд (Улан-Батор) меҳмонхонасида бўлиб ўтади; барча хоҳловчилар таклиф этилади. Келиш истагингиз бўлса, илтимос, сизга кенгаш ҳужжатларини юборишимиз ва сизнинг иштирокингизни ташкил этишимиз учун биз билан олдинроқ боғланинг.

### Қозоғистон сайғоқ овини яна 10 йилга тақиқламоқчи

“Қозоғистонда сайғоқ овининг тақиқланиши 2021 йилгача узайтирилади”, - хабар берди республика хишлоқ хўжалиги вазирлиги ўрмончилик ва овчилик хўжалиги қўмитаси раисининг ўринбосари Хаирбек Мусабаев. Унинг айтишича, сайғоқларнинг сони 200 минг бошга етганда

уларни овлашга рухсат берилади. Қозоғистонда сайғоқларнинг ҳозирги кундаги сони 90 минг бошни ташкил этади. (*қуйида қар.*)

*Батафсилроқ* <http://www.zakon.kz/173822-kazakhstan-nameren-zapretit-okhotitsja.html>

## Парламент аъзолари Ўзбекистонда сайғоқни сақлаш муаммосини муҳокама қилмоқда

2010 й. 23 апрел куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутат гуруҳи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича Қўмитаси “Орол олди ижтимоий ва экологик муаммоларини ечиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг истиқболлари” мавзусида тўғарак стол йиғилишини ўтказди. Йиғилиш давомида бир қатор саволлар, шу жумладан, экотизимлар деградацияси билан курашиш, Орол денгизи фожиасининг оқибатларини минималлаштириш, трансчегара очик сув оқимларидан оқилона фойдаланиш ва регионнинг экологик хавфсизлиги ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш

## РФ табиий ресурслар ва экология вазири сайғоқни сақлаш зарурлигини таъкидлади

2010 й. 1 апрел куни РФ табиий ресурслар ва экология вазири Юрий Трутнев бир кунлик ишчи ташриф билан Қалмоғистонга келди. Унинг раислигида Элистада ҚР раҳбари, республика ҳукумати аъзолари ҳамда экологик хавфсизлик, сайғоқларни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари бўйича федерал бошқармалар раҳбарларининг иштирокида ишчи кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш давомида Табиий ресурслар

## Қалмоқ университетида сайғоққа бағишланган тўғарак стол ўтказилди

2010 й. 18 март куни Қалмоқ давлат университетида сайғоқни сақлаш муаммолари бўйича тўғарак стол йиғилиши бўлиб ўтди. Талабалар сайғоқнинг озикланиши ва кўпайишининг хусусиятлари, унинг миграция йўллари ва сонининг динамикаси бўйича маърузалар тайёрладилар. Шунингдек тўғарак столда регионал Табиат вазирлиги, “Чёрные земли” давлат табиат биосфера қўриқхонаси ва ҚР Ёввойи ҳайвонлар Марказининг вакиллари ҳам сўзга

## Қалмоғистонда Сайғоқ йилига бағишланган Ёшлар форуми

2010 й. 28 май куни ҚР Ҳукуматининг йиғилишлар залида Сайғоқ йилига бағишланган регионлараро “Экология. Инновациялар. Инсон” ёшлар экологик форумининг очилиши бўлиб ўтди. Очилишда ҚР раҳбари Кирсан Илюмжинов, ҚР Таълим, маданият ва фан Вазири Бадма Салаев, шунингдек республика ва Жанубий Федерал университетининг олимлари иштирок этдилар. Қалмоғистон раҳбари экология масалалари ҳозир жуда долзарблиги ва уларни қисқа муддатларда ечиш кераклигини таъкидлади. Тантанали очилишдан сўнг фойеда инновацион лойиҳалар кўргазмаси намойиш этилди.

бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек тўғарак стол қатнашчилари БМТ каби нуфузли халқаро институтнинг барча имкониятлардан фойдаланиб кўмаклашишини талаб этадиган, комплексли экологик лойиҳаларни бажаришни таклиф этдилар. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шу жумладан, сайғоқ популяцияларини тикланиши ва қўриқладиган табиий ҳудудларнинг майдонини оширилиши таклиф этилган лойиҳа йўналишларининг бири бўлади.

*Батафсилроқ*

[http://www.econews.uz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=296:ecologists-have-united-in-the-decision-of-problem&catid=5:water-&Itemid=15](http://www.econews.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=296:ecologists-have-united-in-the-decision-of-problem&catid=5:water-&Itemid=15).

Вазирлигининг мутахассислари, атроф муҳитга салбий таъсирни камайтиришни кўзда тутадиган, федерал қонунлар лойиҳаларининг презентациясини ўтказдилар.

*Батафсил*

<http://www.elista.org/elista/kalmykiyu-s-raboachim-vizitom-posetil-ministr-prirodnih-resursov-i-ekologii-rf-yuriy-trutnev.html>.

чиқдилар. Мониторинг, браконьерлик, маъмурий ислохот натижасида сайғоқ муҳофазасининг камчиликлари ва маблағ етишмаслиги муаммолари муҳокама қилинди (*таҳририятдан*: сайғоқ муҳофазаси бўйича ваколатлар Россия Қишлоқ хўжалиги Вазирлигидан Табиат Вазирлигига бериб юборилган). Сайғоқни муҳофаза қилиш бўйича махсус отрядни қайта тиклаш тўғрисидаги масала ҳозиргача ечилгани йўқ. «Известия Калмикии» *материаллари бўйича, 20 март 2010 й.*



Элиста. ОЖС сурати

Кирсан Илюмжиновнинг табрик сўзи.

## 2010 й. Қозоғистонда сайғоқларни авиаҳисобга олишнинг натижалари

Қозоғистонда сайғоқларнинг ҳар йилги авиаҳисобга олиниши 2010 й. 9 апрелдан 1 майгача ҚР МОН Зоология институти, ҚР ҚХВ ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитаси, “ПО Охотзоопром”, ўрмончилик ва овчилик хўжалигининг вилоят ҳудудий инспекциялари ва Қозоғистон биохилма–хиллигини сақлаш Ассоциациясининг ходимлари иштирокида ўтказилди. Ҳисобга олишларнинг маълумотлари бўйича сайғоқларнинг умумий сони 97,4 минг зотни ( 2009 й. – 81.0 минг )

ташкил этди, жумладан, бетпақдала популяциясининг сони– 53,4 минг, устюрт поп. – 4,9 минг, урал поп.– 39,0минг. Олдинги йилга нисбатан бетпақдала ва урал популяцияларининг сони кўпайган, устюрт поп. сони қисқарган. 2010 й. май ойида пастереллездан 12 мингга яқин (шу жумл. 7,67 минг катгаси) сайғоқнинг нобуд бўлишидан кейин (юқор. қар.) урал попул. сони 31,3 минг зот даражасигача қисқарди. Шундай қилиб, Қозоғистонда сайғоқнинг умумий сони ҳозирги кунга (туғилганлари ҳисобга олинмаган) 89,6 минг бошни ташкил этади.

# Сайғоқларнинг силжиши радиобўйинбоғлар ёрдамида кузатилмоқда

Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази базасида телеметрия усулидан фойдаланиш билан сайғоқ миграциясини ўрганиш бўйича қизиқарли ва муҳим тадқиқот ўтказилмоқда. Тажриба Висконсин штати (АҚШ) Университети ва РФА А.Н.Северцов номидаги Экология ва эволюция муаммолари институти мутахассисларининг иштирокида бир неча йил аввал бошланди. Радиобўйинбоғлар National Geographic фонди томонидан ҳада қилинди. 2009 й. декабрда учта эркак сайғоқ бўйинбоғлар билан белгиланди. Улар “Волга” чорвачилик фермаси атр. ўтлаётган ёввойи сайғоқлар подасининг яқинида қўйиб юборилди. Белгиланган сайғоқлар ёввойи

подада муваффақиятли мослашди. Тажриба давомида “Чёрные земли” давлат табиат биосфера кўрикхонаси буфер зонасининг шимолий ва шарқий қисмлари сайғоқларнинг куйкиши ўтган жойлардан бири бўлиши аниқланди. Россия, Астрахан области “Степной” заказнигида, ҚР Ёввойи ҳайвонлар марказида ўстирилган урғочи сайғоқ табиий яшаш муҳитига чиқариб юборилди. Олинган маълумотлар табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларига популяциянинг табиатда самаралироқ муҳофазасини ўтказишга имкон беради.

*Батафсил «Известия Калмикии»да, 6 феврал 2010й., 20-сон ва <http://www.astrakhan.net/?ai=23488> да.*

## Питомникда янги туғилган сайғоқчалар пайдо бўлди

2010 й. 22 июнда “Инерфакс-Юг” агентлиги хабар беришича, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказининг ходимлари сайғоқлар туғилиш даражасининг аҳамиятли ўсишига илк бор эришдилар. “Бу йил жуда омадли бўлди: 40дан ортиқ сайғоқ урғочисидан 35тага яқин сайғоқча олдик, бу питомникнинг 10 йиллик фаолиятида энг юқори кўрсаткич бўлади. Ўт-ўланнинг баланд бўйидан сайғоқчаларнинг аниқ сонини белгилаш қийин, чунки пода авлодини ҳимоя қилиб одамларни яқинига йўлатмаяпти.

Бироқ ўтган йилларнинг наслига нисбатан, бу баҳорги насл тахминан икки барабар кўп”, - деди марказ директори Юрий Арилов.

2010 йилда ноёб ҳайвонларни кўпайтириш марказида Гансю(Хитой)да 26дан ортиқ сайғоқчалар дунёга келди. Улар билан питомникда сайғоқларнинг умумий сони 80 бошга етди.

*Батафсил*

<http://news.xinmin.cn/rollnews/2010/07/18/5833748.html>.

## “Олтин-дала” фотокўргазмаси

29 апрелда “Қозоғистонда Германия йили” доирасида Алматида “Олтин дала” фотокўргазмаси очилди. Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш Ассоциациясининг бу ташаббуси республиканинг чўл ва яримчўл экотизимларини сақлаш ва тиклашга қаратилган. Хусусан, Марказий Осиё чўлларининг тимсоли бўлган, сайғоқнинг бетпақдала популяциясини ҳимоялашга.

Кўргазма АҚТХ(ООПТ), овчилик хўжаликларидаги илмий-тадқиқот ишлари, ҳайвонот дунёсининг муҳофазаси ва мониторинги ва браконьерликка қарши кураш тўғрисида сўзлайдиган, 10та информацион стенд ва видеороликдан иборат. Кўчма фотокўргазма бир йил давомида Қозоғистоннинг катта шаҳарларига ташриф буюради.

*Батафсил <http://inform.kz/rus/article/2263579>.*

## Европа ёввойи табиатининг мўъжизалари

2008 й. бошида “Европа ёввойи табиатининг мўъжизалари” (Wild Wonders of Europe) халқаро табиатни муҳофаза қилиш фотолойиҳаси бошланди. 2 йил давомида 60та энг таниқли суратчи-натуралистлар бу лойиҳада иштирок этдилар. Ижодининг асосий мавзуси россия кўрикхоналари ва миллий боғлари бўлган суратчи Игорь Шпиленок – Россия вакили бўлди. Сайғоқларнинг Шимоли-Ғарбий Каспий олди популяцияси И.Шпиленок ижодида муҳим рол ўйнайди. *Кўпроқ бу қўламли фотолойиҳа тўғрисида <http://www.wild-wonders.com>*

*сайтида ҳамда Игорь Шпиленокнинг сайтида: [http://shpilenok.ru/galleryru\\_8.html](http://shpilenok.ru/galleryru_8.html) ва унинг блогида: <http://shpilenok.livejournal.com/6141.html>. билишингиз мумкин*

*таҳририятдан: Игорь Шпиленок - SCA қадимги ҳамкори ва дўсти. У кўп йиллар давомида, чўлли ўлканинг такрорланмас табиатини куйлаб, Қалмоғистонда ишлаган. Бу ажойиб сураткашнинг ишлари Saiga News бетларини безашидан фахрланамиз.*

## Ўзбекистонда Сайғоқ куни нишонланди

Мана 4 йилдан буён Ўзбекистонда сайғоқнинг яшаш жойларида жойлашган Устюрт посёлкаларида Сайғоқ куни муваффақиятли ўтказилади. Сайғоқ кунини нишонлаш муддатлари бўйича ҳайвонларнинг кўпайиш даврига тўғриланган ва тикланиш ҳамда хосилдорлик, жонажон ўлка табиатини сақлаш байрами ҳисобланади. Бу йил байрам 26-27 апрел кунлари ўтказилди. Унинг ташкил этилиши ва ўтказилишида мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, Жаслик ва Қорақалпоқ пос. аҳолиси, ҳамда Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс аъзолари иштирок этдилар. Сайғоқ куни WCN ёрдамида ўтказилди. Анъана бўйича байрамдан олдин расм ва адабиёт кўриклари ўтказилди, уларда 7дан 15 ёшгача бўлган болалар қатнашдилар. Энг яхши ишлар муаллифлари SCA махсус мукофотлари билан тантанали тақдирландилар. Энг қизиқ ва талантли асарлар, болалар болалар учун ёзган сайғоқ ҳақидаги китоб кўринишида нашр этилади. Китобда



Устюртда Сайғоқ куни.

болалар чизган расмлардан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда бўлажак китоб макетининг устидан иш олиб борилмоқда.

Байрамда катнашган мактабларнинг ҳар бири Сайғок кунини ўзгача ўтказди. Бу ерда, ҳам қувноқ конкурсларда болалар “Сайғок” ва “Барс” командалари обрўсини химоя қилган қизиқарли спорт мусобақалари, ҳам биология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида билимлар баҳоланган интеллектуал викториналар бўлди. Мухлислар командаларини кизгин қувватладилар, баъзида футбол бўйича дунё чемпионатида пайдо бўладиган кучли иштиёқ каби иштиёқлар ўт олди. Ўқувчи ва ўқитувчилар ёзган сайғок ва табиатга бағишланган сценарийлар бўйича ўйналган мини-спектакллар, ашула ва рақслар байрамни унутилмайдиган қилди. Жаслик пос. Сайғок кунини ўтказиши доирасида қизлар – хунармандчилик гуруҳи аъзолари ишларининг кўргазмаси муваффақиятли ўтди (қуй. қар).

“Илгари сайғок муҳофазаси бўйича махсус тадбирлар ўтказишда бундай тажрибамиз йўқ эди” – дейди Қорақалпоқ пос. 26–сонли мактаб директори Ажимова Дина Болтаевна. “Сайғоклар чўл билан чамбарчас боғланган. Мен дунёда барча нарса боғлиқ деб ўйлайман: инсонлар, сайғоклар, чўл. Мени ҳар доим ҳайратга соладигани бу одамларнинг сайғокқа бўлган қарама-қарши муносабатлари – бир томондан у муқаддас ҳайвон ва уни



Белеулига экскурсия.

## Уралда сайғок химоясига “ётиқ иш ташлаш”

Ураллик журналистлар 12 минг сайғок ўлимнинг (юқор. қар.) сабабларини беғараз текширишни талаб қилиб, июн ойининг бошида флешмоб ўтказдилар. Нобуд бўлган сайғокларни тасвирлаш учун Уральск марказий майдони шахар маъмурияти биносининг олдида 25 киши чиқди. Флешмоб мақсади – сайғок ўлимини беғараз

## Халқаро фондлар ёрдам тўғрисидаги илтимосга жавоб берди

Шимолий-Ғарбий Каспий олдида қаҳратон қиш ва браконьерлик сабаби билан сайғоклар ялпи қирилиш хавфи остида қолди. Муз қопламли чуқур қор (джут) сайғоклар оғир аҳволининг сабаби бўлди. Бу антилопаларнинг озукадан фойдаланиш имконини чегаралайди, юришни қийинлаштиради, бунинг натижасида ҳайвонлар очликдан ўлади, йиртқич ва браконьерлардан қочиб кетолмайди (SN №10 қар.). WWF 200 минг рублдан ортиқ тўплади, бу пул браконьерликка қарши ишни таъминлаш учун “Степной” давлат табиат заказниги ва “Наш край” регионал экологик ташилотига юборилди. Ҳозирги вақтда WWF бу турнинг келаси узок муддатли қўллаб-қувватланиши бўйича компаниялар билан музокаралар олиб борапти.

Батасил  
[http://www.infox.ru/science/animal/2010/03/02/V\\_prikaspiysko\\_m\\_snye.phtml](http://www.infox.ru/science/animal/2010/03/02/V_prikaspiysko_m_snye.phtml) да.

## Россияда сайғок учун тинчлик зонаси яратилди

2010 й. 20 апрелдан 31 майгача сайғок яшайдиган жойларда тинчлик зонаси яратилди. “Чёрные земли” давлат табиат биосфера қўриқхонасида ва унинг атрофидаги



Қорақалпоқ пос. мактабда спорт мусобақалари.

ўлдириш гуноҳ деб ҳисобланади, бошқа томондан эса сайғокни қирадилар. Бу ажойиб ҳайвонни сақлаб қолиш мавзуси ҳам биз, ўқитувчиларга, ҳам бизнинг ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналарига таъсир қила олди. Ишни мактабларда бошлагани жуда яхши. Бу болаларнинг онгига таъсир этади, болалар эса ота-оналар онгига таъсир қиладилар. Бизга қулоқ солмаслиги мумкин, ammo фарзандларига қулоқ соладилар”.

26-сонли мактаб ўқитувчиларининг ташаббуси билан Сайғок кунини посёлка даражасида ўтказиш таклиф этилди. Бу фикр Қорақалпоқ ва Жаслик п. жойлардаги маъмурияти билан муҳофиза қилинди ва тўлиқ мақулланди. Байрамнинг эртасига Жаслик п. ижодий кўрик ғолиблари илгари сайғокларнинг кўпайиш жойлари бўлган – Белеули ўрта асрлардаги қарвон-сарой харобалари атрофида экскурсияга бордилар. Ўқувчилар бу ёдгорликнинг тарихи, унинг ҳаётни таъминлаш тизимлари билан танишдилар, атрофида яшайдиган ҳайвонлар тўғрисида билдиб олдилар, сайғок ва бошқа чўл вакиллари билан яшаш жойларини кўрдилар.

текширилишига эришиш ва бу билан бирга Ғарбий-Қозоғистон обл. кечаётган жараёнларга фикрини фаол билдириши учун фуқаро жамятини уйғотиш эди. Журналистлар акцияларига ҳокимият ҳам эътибор беришига умид қиладилар. Батафсил [http://respublika-kaz.ya.ru/replies.xml?item\\_no=3136](http://respublika-kaz.ya.ru/replies.xml?item_no=3136) да.

Бундан ташқари, “Наш край” жамоа ташкилоти IFAW кичик грантлар дастури бўйича ютган 5 минг долларни сайғокни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш учун ҚР Табвизирлигига юборди. “Наш край” “Лукойл”дан олган грантини (200 минг рублнинг тахмин. 1/3 қисми) Қалмоғистон Республикасида сайғокни сақлашга қаратилган таълим тадбирларини ўтказишга сарфлайди. “Известия Калмикии”, 20 феврал, 2010 й., 30-сон (4756) ва «Правительственная газета», 13 март 2010й. 24-сон (825) материаллари бўйича.

АҚШ ва Буюк Британиядан, WCN ва SCA орқали қилинган хусусий ҳадялар туфайли, Шимолий-Ғарбий Каспий олдида сайғокларни қутқаришга 2600 дол. атрофида йиғилди. Пуллар “Степной” заказнигига браконьерлар билан курашишни қўллашга ва “Наш край” жамоа ташкилотига маҳаллий аҳоли орасида оқартув тадбирларини ўтказиш учун бериб юборилди.

худудларда, белгиланган кўрик режимини, ҚР Табиий ресурслар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетикани ривожлантириш Вазирлиги ва қўриқхона маъмуриятининг руҳсатисиз автотранспорт ўтиши ва жисмоний



шахслар киришини бузадиган, хўжалик фаолиятининг барча турлари чекланди. Кўрсатилган ҳудудда ҚР Табвазирлиги ва ҚР ИИБ ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимни бажариш доирасида давлат

инспекторлари ва милиция ходимларининг биргаликда патруллиги ташкил этилди.

24 апрел 2010 й. «Известия Калмикии» материаллари бўйича.

## Браконьерлик ва нолегал савдо ҳолларини тўхтатиб қолиш

### Урал популяцияси

8 феврал 2010 й.

Ғарбий-Қозоғистон обл. Жанибек районининг суди, тўртта сайғокни олиб ўлдирган, Қазталов райони яшовчиси А.Тайгаренов ва Жанибек райони яшовчиси С.Насеновларни сайғокни ноқонуний ови учун икки йилга озодликдан маҳрум қилди. Зиён пули (1 млн. тенге) браконьерлардан тўлиқ қайтариб олинди, қурол мусодара қилинди.

Батафсил <http://inform.kz/rus/article/2236120> да.

### Бетнақдала популяцияси

17 феврал 2010 й.

Қараганда областида, ёнида олтига сайғок танаси топилган браконьерлар тўхтатилди. Улитау райони Қоскол қишлоғи Акшал деган жойида икки киши сайғокнинг ноқонуний ови билан шуғулланаётган эди. ПО “Охотзоопром” инспекторлари пайдо бўлишида, браконьерлар қочишга ҳаракат қилдилар, бироқ қувиш вақтида уларнинг автомашинаси ағдарилиб кетди. Авария содир бўлган жойда Улитау райони егери ва 21-яшар студент ушлаб қолинди. Улардан ўлдирилган сайғоклар танаси, қурол ва ўқлар олиб қўйилди.

Батафсил

[http://old.minagri.gov.kz/news/index.php?ELEMENT\\_ID=7828](http://old.minagri.gov.kz/news/index.php?ELEMENT_ID=7828)  
<http://kt.kz/index.php?lang=rus&uin=1138536468&chapter=1153510433> да.

10 март 2010 й.

Қостанай обл. Жангелди райони Тауш қишлоғида иккита сайғокни ўлдирган браконьер ушлаб қолинди. Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги област ҳудудий бошқармасининг ходими жиноят излари ва ашёвий далилларни унинг оғиронасидан топган. Ушлаб қолинган шахсдан иккита сайғок танаси (эркаги ва ургочиси), рўйхатдан ўтмаган кўшоғиз милтиқ, кўнғир доғлари бор пичоқ, сайғок шохлари ва снегоход мусодара қилинди. Ушбу далил бўйича тергов олиб бориляпти. Келтирилган зарарнинг умумий миқдори 454 550 тенге (3 000 АҚШ долл. яқин)ни ташкил этди.

Батафсил <http://inform.kz/rus/article/2246513> да.

2 июн 2010 й.

Қостанай областининг жанубида, Жангелди рай. Аккол қиш. 53км ғарбга, сайғокнинг 31та ириб кетган жасади топилди. Экспертиза учун иккита тана олиб қолинди, қолганлари эса ёқиб юборилди. Бироқ, лаборатор текширишларнинг натижалари бўйича ҳайвонлар ўлимининг сабабини аниқлаб бўлмади. Тўқималарни ёмон саклаиб қолганлиги фақат куйдиргига текширишга имкон берди, натижаси салбий бўлиб чиқди. Энг аниғи, ушбу ҳолда браконьерлик содир болган. Барча сайғокларнинг шохи кесиб олинганлиги бу тахминий фикрнинг фойдасига сўзлайди. Далил бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда, зарар миқдори аниқланыпти. Батафсил

<http://today.kz/ru/news/kazakhstan/2010-06-18/22871>;  
<http://kt.kz/?lang=rus&uin=1138536468&chapter=1153519833>.

### Устюрт популяцияси

21 феврал 2010 й.

Қозоғистон Актюбинск обл. Уил райони Акшатау посёлкасида ноқонуний ов ҳолати аниқланди. Ички ишлар органларига тўртта сайғокни олиб ўлдирган, ёши 30дан

54 ёшгача бўлган, Темир ва Уил районларида яшовчи беш киши олиб келинди. Браконьерларни Актюбинск области ҳайвонот дунёсини тартибга солиш ва назорат қилиш инспекцияси ходимлари тўхтатдилар ва Уил район ИИБга олиб келдилар. Улардан учта милтиқ, ўқ ва иккита дурбин олиб қўйилди. Ушбу далил бўйича ҚР ЖКнинг 288-м.(ноқонуний овлаш) бўйича жиноий иш кўзгатилди.

Батафсил <http://news.gazeta.kz/art.asp?aid=141681> да.

24 март 2010 й.

Янгилик даражаси ҳар хил бўлган 8 сайғок шохи, 917-сонли Қўнғирот-Бейнеу поездида ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётган, Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот тумани Қорақалпоқ пос. истикомат қилувчи шахсдан мусодара қилинди. Материаллар Орол табиатни кўриқлаш прокуратурасига ўтказилди. Ушлаб қолиш транспорт милицияси ва Қорақалпоғистон Давтабқўмитаси томонидан амалга оширилди.

4 апрел 2010 й.

Ўзбекистон Тошкент вил. Божхона Бошқармаси Гишт-Кўприк божхона мажмуасида, ичида 119та сайғок шохи бор сумка топилди. Тахмин қилинишича, сумка эгаси шохларни Қозоғистон ҳудудига ноқонуний олиб чиқмоқчи бўлган, бироқ, бунинг уддасидан чиқолмай сумкани ташлаб кетган. Ушбу иш материаллари кўриб чиқиш учун вилоят прокуратурасига ўтказилди

Кўшимча маълумот учун [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz), А.Есиповга мурожаат қилинг.



Ўзбекистондан Қозоғистонга олиб чиқилмоқчи бўлган сайғок шохлари.

### Шимоли-Ғарбий Каспий олди популяцияси

11 март 2010 й.

Қалмоғистон бўйича Россия ФСБ Бошқармаси ва Қалмоғистон бўйича РФ СКП Тергов бошқармасининг биргаликдаги операцияси жараёнида Элиста-Лагань трассаси яқинида, машинасида 19та сайғок танаси топилган Черноземельск РОВД ходими ушлаб қолинди. Машинада ички ишлар бўлимининг ходимидан ташқари гражданлик шахслар ҳам бор эди. Текширув давомида сайғок таналарида ўқдан бўлган яралар, ҳамда ҳамма ҳайвонлар бўғизлангани аниқланди. “Сайга” қарабини мусодара қилинди. Ушбу далил бўйича жиноий иш кўзгатилган. ИИБ ахборот хизмати хабар беришича милиционер ички ишлар органларидан бўшатиб юборилган. Батафсил <http://www.regnum.ru/news/accidents/1263709.html>;  
<http://www.regnum.ru/news/accidents/1263709.html> да.

Россия Волгоград обл. Палласовский районда чегарачи наряд томонидан Эльтон посёлкасида, ичида сайғок танаси ва отиш куроли топилган автомашина тўхтатилди. Автомашина салонида ўлик ҳайвон ва қурол борлигининг сабаблари аниқланаётганда, тўхтатиб қолинганлар қочишга урунган. Бироқ, икки соатли қувишдан сўнг автомашина тўхтатиб қолинди. Қўлга олишда ҳайдовчи ва пассажир чегарачи нарядга қаршилиқ кўрсатди. Ҳозирги кунда ушбу далил бўйича барча материаллар жиноий иш қўзғатиш бўйича қарор қабул қилиш учун Волгоград области маъмурияти Овчилик хўжалиги бошқармасининг овчилик хўжалиги ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш бўлимига ўтказилди. *Батафсил* <http://v1.ru/newsline/274670.html> да.

22 апреля 2010 г.

Йўл-патрул хизматининг Элиста постанда ГИБДД инспекторлари, багажнигида сайғок танаси ва 20та сайғок шохи топилган автомобилни тўхтатдилар. Криминал юк мусодара қилинди, тергов кетяпти.

27 апрел 2010 й., «Известия Калмикии» материаллари бўйича

### Хитой

Май 2010 й.

Шензанда (Жанубий Хитой) Хуанган божхонасида

## Мақолалар

### Мўғул сайғоғини (*Saiga tatarica mongolica*) уй ҳайвонларининг касаллигига мойиллиги

Э.Шилегдамба<sup>1</sup>, А.Е.Файн<sup>1</sup>, Б.Бувейбатар<sup>2</sup>, Б.Лхагвасурен<sup>2\*</sup>, К.Муррей<sup>1</sup>, Дж.Бергер<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти, <sup>2</sup>Мўғул Фанлар Академияси Биология институти, \*WWF Мўғулистон, [eshilegdamba@wcs.org](mailto:eshilegdamba@wcs.org)

Мўғул сайғоғи (*Saiga tatarica mongolica*) Ғарбий Мўғулистоннинг Алтай-Саянск регионининг йўқолиб кетиш хавфи оститадаги турларидан бири бўлади. Мўғулистон WWF ва Биология институти ўтказаятган тадқиқотлар доирасида мўғул сайғоғининг умумий сони 1998 й. 2 950 зотга, 2000 й. 5 240 зотга баҳоланган. Шарга қўриқхонаси ва унинг атрофларида (Гоби-Алтай аймоғи) ўтказилаётган текширишлар сайғок сони 2006 й. 4 524 км<sup>2</sup> га 4 938 (95% lim 2 762-8 828) бош ва 2007 й. 4 678 км<sup>2</sup> га 7 221 (95% lim 4 380-11 903) бошни ташкил этганини кўрсатди. Сўнгги йиллар давомида белгиланган мўғул сайғоғи сонининг қисқаришига табиий омиллар таъсири, соннинг табиий тебраниши, молларни ҳаддан ташқари ўтлатиш ва овлаш сабаб бўлган.



2006 й. радиобелгилаш лойиҳаси вақтида мўғул сайғоғини ушлаш.



А. Хурдиев сурати

### Браконьерлар ўлдирган эркак сайғок.

умумий қиймати 650 000 юан (100 000 АҚШ дол. яқин) бўлган 22 сайғок шохи мусодара қилинди. Ноёб тур шоҳларини Гонконгдан ноқонуний олиб чиқиш ҳолати бўйича иккита шубҳа туғдирган шахс ушлаб қолинди, жиноий иш қўзғатилди.

*Батафсил*

[http://news.dayoo.com/shenzhen/201005/12/73439\\_1274599\\_2.htm](http://news.dayoo.com/shenzhen/201005/12/73439_1274599_2.htm) да.

Уй ҳайвонлари касалликларининг сайғоққа бўлган таъсирини ҳам яширин хавф сифатида кўриб чиқиш тақлиф қилинди.

Адабиёт таҳлили мўғул сайғоғи соғлиги бўйича маълумотлар етарлича эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун, уй қавш қайтарувчиларининг инфекция касалликлари билан мўғул сайғоғининг касалланиш даражасини дастлабки ўрганилиши касалланиш динамикасини ўрганиш ва уларни ёввойи ҳайвонларга юқишини олдини олишда муҳим биринчи қадам бўлади. Қозоқ олимлари уй чорваси ёнида ўтлайдиган сайғоқлар уй ҳайвонларидан зарарланиши мумкин деб тахмин қиляптилар. Ландервольд (2004<sup>2</sup>) хабар беришича, Қозоғистонда тестдан ўтказилган сигир, қўй ва эчкиларда оксим вируси (FMD), кўк тил касаллиги вируси (BTV), эпизоотик геморагик безгак вируси (EHVD), майда қавш қайтарувчилар ўлати вируси (PPRV) ва бруцеллез вируси топилган, бу ушбу регионда шу касалликларнинг уй ҳайвонларидан ёввойиларига ўтишига катта хавф борлигини кўрсатади.

2006 й. август ойида Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти (WCS) МФА Биология институти билан биргаликда Шарга қўриқхонасида дастлаб сайғоқларни радио бўйинбоғлар билан таъминлади (SN №4 қўр.). Ишнинг мақсади сайғоқларнинг силжиши ва омон қолишларини кузатишдан иборат эди. Ушлаш вақтида саккизта зот(7 ургочи ва 1 боласи)нинг бўйинтурук томирларидан қон намуналари олинди. Олинган қон намуналаридан зардоб олинди. Намуналар Мўғулистонда 2009 йилгача -20<sup>0</sup> С ҳароратда сақланди, сўнг АҚШ Корнел университетининг Ҳайвонлар касалликлари

<sup>2</sup> Ушбу ишни номзодлик диссертациялар архиви [www.iccs.org.uk](http://www.iccs.org.uk)да олиш мумкин

диагностикаси маркази ва Ветеринария медицинаси коллежига ўрганиш учун музлатилган ҳолда етказилди. Зардоб намуналари Мўғулистонда тарқалган уй ҳайвонларининг одатдаги касалликларига тестдан ўтказилди, жумладан: оксим (FMD), кўйларнинг кўк тил вируси (BTV), йирик қорамол вирусли диареяси (BVD), йирик қорамол респиратор-синцитиал вируси (BRSV), йирик қорамол парагрипп вируси, тип 3 (PIV-3), контагиоз эктима (Orf), лептоспироз (9 серологик намуна), бруцеллёз ва паратуберкулёзга (Джон касаллиги). Касалликлар учта ҳайвонда аниқланди. Саккизта мўғул сайғоғининг иккитаси иммунофлуоресцент тестига мувофиқ контагиоз эктима билан зарарланган (битта катта урғочида суст ижобий реакция бўлган, бошқасида касаллик тахмин қилинган), битта зот (суст ижобий реакцияли катта урғочи) эса парагрипп (PIV-3) вируси билан зарарланган. PIV-3 кавш қайтарувчиларнинг муҳим ва кенг тарқалган касаллиги бўлади. Инфекция одатда сигир, кўй ва эчкилар орасида тез тарқалади. PIV-3 билан зарарланган ҳайвонларда кўпинча, даволамаса ўлимга олиб келадиган, иккиламчи бактериал пневмония ривожланади. Контагиоз эктима (оғиз бўшлиғининг яллиғланиши) одамларга юқадиган, кўй ва эчкиларнинг одатий касаллиги бўлиб дунёда кенг тарқалган. Шунингдек у шимол буғуларни ва хўкизқўй (*Ovis montanus*)ларда ҳам белгиланган. Зарарланган ҳайвонларда бир ва бир неча йилга иммунитет ҳосил бўлади, бироқ

зарарланган зотлар орасида касалланиш даражаси юкори (80%) PIV-3 коронар томирлар, кўз шиллик пардаси, ташқи жинсий органлар ёки елин ва елин учининг зарарланишига олиб келади, бироқ, уй кавш қайтарувчилари орасида ўлим ҳоллари кам.

Текшириш натижалари мўғул сайғоғи уй ҳайвонларининг баъзи касалликларини тез юқтиришини кўрсатди. Текширилган намуналар миқдорининг чегараланганлиги Мўғулистонда бутун сайғоқ популяциясининг касалланиши тўғрисида хулосалар чиқаришга имкон бермайди. Эҳтимол, мўғул сайғоғи ушбу текширишда кўриб чиқилган, бироқ терманинг ҳажми камлигидан аниқланмаган, инфекция касалликларга мойилдир. Мўғул сайғоғи уй ҳайвонларининг касалликлари билан зараланишининг даражасини баҳолаш учун тўлиқ ва чуқур текширишлар ўтказиш зарур. Чорва моллари касалликларининг динамикаси ва ёввойи ҳайвонлар ҳолатини яхши тушинишимиз бошқариш бўйича тегишли чоралардан фойдаланишда имконларимизни оширади ва мўғул сайғоғи популяциясини инфекция касалликларнинг авж олишидан сақлайди.

*Тадақиқот WCS ва Миллий географик жамиятининг молиявий кўмагида ўтказилди. Дала ишлари АҚШ Қишлоқ хўжалиги Департаменти ветеринари, др. Мишель Данэр ҳамда ветеринар ва МФА Биология институтининг собиқ ходими З. Намшир томонидан бажарилди.*

## “Астраханское” давлат тажриба овчилик хўжалигида сайғоқларни кўпайтириш

Н.А.Франов, В.В.Гагарин

ФГУ ДТОХ «Астраханское», [nfranov@rambler.ru](mailto:nfranov@rambler.ru)

2001 й. РФ Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги Овдепартаменти томонидан “Астраханское” давлат тажриба овчилик хўжалиги базасида “Сайғоқ” питомнигини ташкил этишга қорор қабул қилинди. Ҳозирги кунда питомник фаолияти сайғоқни тутқинликда кўпайтириш йўли билан унинг генофондини сақлашга қаратилган. Сонининг турғун кўпайишига эришилганда ҳайвонларнинг турли жинсли гуруҳларини табиий муҳитга мунтазам репатриация қилиш режалаштирилган.

Аввалига питомник 4 га майдонни эгаллаган, бу ерда катталиги 2,5 x 10 м алоҳида кўралар ва катталиги 180 x 180 м урғочи ва болалари учун умумий кўра бўлган. Икки йил ўтгач питомникда модернизация ўтказилди: умумий майдони 21 гектаргача кўпайтирилди, ҳайвонларни боқиш шароитлари яхшиланди. Ҳозирги вақтда питомникда бир нечта пана жойлик (5 x 9 м) кўралар, бир нечта панасиз (10 x 9 м) кўралар, куйкишни ўтказиш учун учта (0,5-1 га) кўра ва эркак ва болала урғочиларни ушлаш учун иккита катта кўра бор.

Питомникда боқишнинг ярим интенсив тизими қўлланилади: барча эркаклар 4-5 ойидан бошлаб умумий эркаклар гуруҳида кенг кўрада боқилади. Октябр – ноябрда умумий кўрадан тўртта асосий ва тўртта резерв эркаклар тугилади, кейин улар тўрт гуруҳ урғочиларга кўшиб, куйкишда иштирок этиш учун, алоҳида кўраларга қўйилади. Февралда куйкишда иштирок этган эркаклар яна бошқа эркаклар бўлган кўрага чиқариб юборилади. Кўзилаш куйкиш ўтган кўраларда ўтади. Болаларининг туғилиши ва уларга белги қўйилишидан сўнг, тўрт гуруҳ урғочи болалари билан тутиб олмасдан битта гуруҳга қўшилади (ўтиш жойларини очиш йўли билан) ва табиий ўсимликли кенг кўрага ўтказилади. Куйкишдан сўнг урғочиларни дархол бирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу янги туғилган сайғоқчаларни топиш ва қайси урғочининг боласи эканлигини аниқлашни қийинлаштиради. Катта кўралар тузоқ-оҳур билан жиҳозланган, у ҳайвонларни индивидуал ушлашга, вазнини ўлчаш ва ветеринар муолажаларини ўтказишга имкон беради. Ҳайвонларни умумий гуруҳларда қалин ўт-ўланли кенг вольерларда боқиш ижобий самара



В. Гагарин сурати

### Ҳозирча унинг фақат рақами бор – отга эришмоқ керак

ёшлигидан турли озуқаларни истеъмол қилишни бошлайди, бу уларнинг тўлиқ ривожланишига ёрдам беради. Иккинчидан, урғочилар лактация даврида кўк емларни керакли миқдорда истеъмол қилиш имконига эга бўлади. Учтинчидан, кенг кўламли майдонлар ҳайвонларга гиподинамиядан қутулишга имкон беради. Ота-оналар сонини боқишга бир неча йил давомида беда пичани, янги ўрилган пичанбоп ўтлар, майдаланган арпа, ширали озуқалар ва минерал қўшимчалар ишлатилган. Боқиш қийматини камайтириш мақсадида рациондан ширали озуқаларни (сабзи, қовоқ) олиб ташлаш бўйича тажриба ўтказилди. Ҳайвонларнинг соғлиги ва феъл-атворини кузатиш ҳеч қандай ўзгаришларни аниқламади. Ширали озуқаларнинг қиймати рацион қийматининг 75 %ни ташкил этишини ҳисобга олганда, улардан воз кечиш боқишга сарфланган ҳаражатларни жиддий қисқартиришга имкон берди. Ҳозирги вақтда битта катта ҳайвонга киш мавсумида 1кг арпа ва 2,5 пичан ажратилади. Ёз мавсумида пичаннинг бир қисми янги ўрилган ўтга алмаштирилади. Боқиш қийматини камайтириш бўйича кейинги ишлар турли ёшдаги ҳайвонлар учун арпанинг оптимал миқдорини танлашдан иборат бўлади.

Бугунги кунга питомникнинг ветеринария муаммоси бу асосан касалликнинг бошланишидан ҳайвоннинг ўлимигача атиги бир неча соат ўтадиган ва касалланган ҳайвонни топиш ва айниқса даволашга имкон бўлмайдиган, ўткир ва жуда ўткир шаклда кечадиган пастереллезнинг даврий тарқалиши. Шу сабабдан сайғоқлар сони кўпаймаган эди. Питомникда нобуд бўлган сайғоқларни текширганда *Pasterella multocida* B ва D типлари ажратилди. Бунда 3-4 ойлигида нобуд бўлган ёшлардан фақат D типи ажратилди, катта ҳайвонлар жасадидан эса иккитаси ҳам. Май-июнда ялпи кўзилаш ёки янги туғилган сайғоқчаларни олиб келиш (2003 ва 2007 йй.) натижасида, сонининг кўпайишидан сўнг, ноябр-декабрга бориб ёшларнинг кўп қисми ва катта ҳайвонларнинг бир мунча миқдорининг нобуд бўлиши ҳисобига сони қисқаради. Сентябрдан майгача питомникда ўлат амалда тўхтади. Йиллар бўйича сайғоқлар сони 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвалда кўрсатилгандай, питомник ташкил бўлганидан сўнг биринчи икки йил сайғоқларнинг нобуд бўлиши анча юқори бўлган, ҳам жароҳатлар, ҳам касалликлар сабабидан. Кейинги икки йилда йўналтирилмаган сунъий танлаш ва питомникда омиллар мажмуаси таъсирига чидамли зотларни шакллантириш натижаси сифатида, туғилиш ўлатдан бир мунча юқори бўлган. Кейнчалик сон ўсиши ва қисқаришининг кўрсаткичлари амалда текисланди. Ўлат ҳолларининг кўпи пастереллез сабаби билан бўлди. Шундай қилиб, атроф муҳитга инфекцион агентни тўпланиши ва туғилаётган ёш ҳайвонларда унинг мунтазам равишда янгилини тахмин қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги моллари учун пастереллезга қарши вакцинаси ижобий натижа бермади.

Вакцинация жараёни ҳайвонларни тутиш билан боғлиқ, бунда улар кучли стрессга дучор бўлади ва кўпинча жароҳат олади, шунинг учун вакцинацияни вақтинча тўхтатишга қарор қилинди. 2009 й. питомник буюртмаси бўйича айнан питомникдаги ҳайвонлардан ажратилган кўзгатувчиларнинг намуналаридан фойдаланиб пастереллезга қарши экспериментал вакцина партияси тайёрланди. 2009 й. декабр ойида бир нечта ҳайвонда муваффақиятли текширилгандан сўнг сайғоқларнинг бутун сони эмланди. Шунингдек 2009 й. 3 ҳафтали ёшлар ва урғочиларга профилактика учун антибиотиклар берилди. Бу олдинги йилга нисбатан, ёшларни сақлашни икки баробар оширишга имкон берди (2-жадв.).

Питомникда сайғоқнинг биринчи сони 2003 йилда табиатдан 50 янги туғилган сайғоқларни олиш йўли билан шаклланган эди. Ҳайвонларни такрорий тутиш ва олиб келиш 2007 йилда амалга оширилди. Сайғоқ урғочилари ҳаётининг биринчи йилидаёқ жинсий балоғатга етади, эркаклари эса фақат 1,5 ёшида. Шунинг учун питомникда биринчи куйиқишни ўтказиш учун Москва ҳайвонот боғидан олинган катта эркаклардан фойдаланилди. Кейнчалик куйиқиш питомникда ўстирилган эркаклар билан ўтказиди. Ҳозирги вақтда питомникда биринчи олиб келинган 7 ёшли иккита урғочи яшашга ва муваффақиятли кўпайашга. 2008 йилдан бошлаб питомникда куйиқишни ўтказиш учун 4 наслчилик тизмаси ажратилган. Бундай йўл билан сайғоқ сонининг генетик хилма-хиллиги

1-жадвал. “Сайғоқ” питомнигида сайғоқлар сонининг динамикаси

	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Йил бошига сайғоқ сони	0	34	21	24	34	40	37
Питомникда туғилди	0	7	13	17	25	25	21*
Ёввойи табиатдан олиб келинди	50	0	0	0	35	0	0
Бошқа қиримлар	2	0	0	0	0	0	0
Ўтган йили нобуд бўлди	18	19	8	7	50	28	21
Бошқа питомникларга ўтказилди	0	2	2	0	4	0	2

\* 3та гуруҳдан олинган насл (13та урғочи). Тўртинчи гуруҳ (5та урғочи) эркак билан уруғлантирилмади, шу сабабдан тахминан саккиз бош сайғоқча олмадик.

2-жадвал. Сўнгги 5 йилда питомник фаолиятининг баъзи зоотехник кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009
Урғочиларнинг ўртача ёши	1,72	2,16	2,16	2,55	2,92
1 урғочига тўғри келган янги туғ. сайғоқларнинг ўртача миқдори	1,36	1,41	1,44	1,44	1,61
Йил охирига ёшларнинг омон қолиши	н.д.	н.д.	52%	36%	61,9%



В. Гасарин сурати

**Тутқинликда боқилган сайғоқлар жуда қўлга ўргатилиб қолиши мумкин.**

оширилади ва табиатдан ҳайвонларни олиб киришга эҳтиёж йўқолади.

Питомникда наслчилик ўзагини шакллантириш учун одамларга нисбатан ижобий ёки нейтрал реакцияли ҳайвонларни танлаш биринчи ўринда туради. Хизмат кўрсатувчи ходимларга қизиқиш билан қарайдиган сайғоқлар мустаҳкам психикага эга ва унча жароҳатланмайди. Асабий ва тез сесканувчан ҳайвонларни умумий подадан четлатиш керак, чунки улар саросима кўзгатиши мумкин. Яқин алоқасиз сифатли профилактика ўтказиш ва касал ҳайвонларни даволаш мумкин эмас. Одамга нисбатан ижобий реакцияли ҳайвонларни ушлаш ва фиксация қилиш осон. Муолажалар ўтказганда улар стресс таъсирида камроқ бўлади ва ундан кейин тез тикланади. Одамга нисбатан салбий реакцияли сайғоқлар гуруҳига, кенг қўрага қўйиб юборилган, одамга нисбатан ижобий реакцияли ҳайвонлар тезда уларнинг феъл-атвор хусусиятларини ўзлаштиради ва хизмат кўрсатувчи ходимлар билан алоқадан қочади, бу скептикларнинг питомник шароитида ўстирилган сайғоқларни табиий популяцияга репатриация қилиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрини рад қилишини белгилаш лозим.

Питомникнинг кейинги иши сайғоқларни кўпайтириш технологиясини такомиллаштиришга қаратилади, бунга яна 2-3 йил керак бўлади. Иш иккита асосий йўналиш бўйича кетяпти: тутқинликда кўпайтиришда соннинг бут сақланишини ошириш ва маҳсулотнинг таннарҳини камайитириш. генетик хилма-хилликни ошириш мақсадида, сайғоқларни кўпайтириш билан шуғулланадиган питомниклар орасида эркак сайғоқларни алмаштириш режалаштирилган. Соннинг турғун ўсишида ҳайвонлар табиий муҳитга мунтазам равишда репатриация қилинади, шунингдек бошқа питомник (ҳайвонот боғларига) сотилади. “Астраханское” давлат тажриба овчилик хўжалиги сайғоқни кўпайтиришга манфаатдор бўлган шахс ва ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этади.

# Шимоли-Шарқий Балхаш олди (Қозоғистон) – турнинг замонавий ареалида сайғоқ (*Saiga tatarica tatarica*) нинг яна битта сақланиб қолган яшаш жойи

А. Ж. Жатқанбаев

Institute of Zoology, Republic of Kazakhstan, [wildlife@nursat.kz](mailto:wildlife@nursat.kz)

Шимоли-Шарқий Балхаш олдида 1990-й. – 2000 й. бошигача кўп сонли бўлган ва мунтазам учраб турган сайғоқнинг бу ерда ҳозир бор ёки йўқлиги тўғрисида ишончли маълумотлар ҳозирги вақтгача босиб чиқарилмаган. Сўнгги ўн беш йилликда сони кескин (98 % гача) камайишига қарамай, сайғоқ ушбу ҳудудда кичкина миқдорда ҳали ҳам сақланиб қолган. Туёқдиларнинг алоҳида гуруҳлари ва кичик подалари, ареалнинг чет участкалари, асосий бетпақдала популяциясидан шарққа узоклашган жойларда, ўзига хос истеҳкомларни намоиш этиб омон қоляпти. Шундай қилиб яқинда Шарқий Балхаш олдида барқарор географик яққаланган сайғоқ группировкасининг мавжудлиги белгиланди (SN №8 қар.).

2009 й. Июнь ойининг охирида ва июл ойининг бошида Шимоли-Шарқий Балхаш олди ҳудудининг автомобил маршрут текширилиши ўтказилди. Маршрут (умуман 480 км) аҳолиси кам ва инсон томонидан кам ўзлаштирилган кенг жойдан ўтди. Сайғоқ гуруҳларини биз икки марта Ақтоғай – Саяктемир йўл участкаси ва газ қувири тармоғи ўртасида учратдик. Шундай қилиб, биринчи учрашув 25 июнда Балхаш кўл. шарқий четидан шимол-шарққа 40 километрда Балхаш-Алакол ҳавзасида қайд этилди. Сайғоқлар гуруҳи иккита катта урғочи, иккита жинсий балоғатга етган эркек иккита ёш зот – олдинги йил туғилганлардан иборат эди. Ҳайвонлар теп-текис текисликда анча зич гуруҳ бўлиб ўтлаётган эди. Автомашинани 300-350 м масофага яқинлаштириб сайғоқлар қочиб кетди.

Эртасига ўхшаш жойда олдинги ҳайвонларни кўрган жойимиздан 5 км нарида бошқа сайғоқ гуруҳини (битта йирик эркек, иккита етилган урғочи ва учта олдинги йилги боласи) кузатдик. Юк машинасини уларга 1,5 км масофага яқинлашишида, сайғоқлар ўтламай қолди ва секин жойидан кўзгалиб, автомобил 500 м яқинлашганда чопиб кетдилар.

Бу ҳудуд текислик бўлгани учун ҳамма жой катта ( 2-3 км–дан 5-7 км–гача) масофадан яққол кўриниб туради. Шунинг учун, одамларга хатто тезорар автомобилда ҳам ҳайвонлар ёнига 300-500 метрдан яқинроққа бориш жуда қийин.

Бу, ушбу кичкина сайғоқ группировкасига яшашга имкон берадиган яшаш муҳитнинг қулай шароитларидан бири бўлади.

Газ қувирининг 100 километрли бўлагиде махсус ўтиш жойларини кўрмадик. Темир йўл қўтармасининг тагида баъзи жойларда автомобиллар ўтиши ва молларни ҳайдаб ўтиш учун ораликлар бор эди. Бунга қарамай, бу кам ишлатиладиган берк темир йўл тармоғида, поезд билан тўкнашишдан ўлган, иккита туянинг жасади топилди. Ҳозирги кунга темир йўл ҳам, кўмилган газ қувири ҳам ушбу ҳудудда сайғоқнинг омон қолиши ва яшаш майдонини чекланишига катта ҳавф туғдирмайди.

Текшириляётган ҳудудда ёш ва катта сайғоқларнинг унча катта бўлмаган гуруҳлари борлиги, бу ҳайвонларнинг, ҳам ўзларига, ҳам уларнинг яшаш жойларига бўлган қучли антропоген таъсирга қарамай, замонавий ўзгарган шароитларда яшай олганидан далолат беради. Афтидан, бу, йирик одам манзилгоҳларидан узокдаги жойда ҳам браконьерлик мавжуд. Шундай қилиб, сўров маълумотлари бўйича, ерли браконьерлар Балхаш кўл. шимоли-шарқий қисмидаги Кентобе ярим оролига тез-тез кириб турадилар. Сайғоқлар бу ерга сувлоққа келади ва бу ерда анча узок қолади. Браконьерлар ярим оролнинг тор қисмида сайғоқлар ўтадиган сўқмоқлар ёнида, махсус пана жойлардан фойдаланади.

Шимоли-Шарқий Балхаш олдида сайғоқ учраган нукталар бугунги кунга Қозоғистонда турнинг энг шарқий яшаш жойлари бўлади. Ушбу жой бетпақдала популяциясининг ҳозирги асосий яшаш районларидан шарққа 1000 километрда жойлашган. Бу ерда алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар йўқ. Ҳудуднинг бориш қийин, кам аҳолили бўлгани ва нисбатан тегилмаганлиги сайғоққа салбий антропоген таъсирни ушлаб турувчи асосий омиллардан бўлади. Ушбу географик районда тур ҳолатини мунтазам равишда текшириб туриш керак.

–



Шимоли-Шарқий Балхаш олдида сайғоққа хос бўлган яшаш жойлари

## Возрождение ярим оролида сайғоқ популяциясини кузатиш

Д.А. Нуриджанов, А.С. Нуриджанов

ЎЗР Давтабқўмитаси Давбионазорати, [nuridjanov@mail.ru](mailto:nuridjanov@mail.ru)

2010 й. баҳорида SCA Кичик грантлар дастурининг молиявий кўмагида, Возрождение ярим оролида сайғоқ популяциясини ўрганиш бўйича WCN ва SIC молиялаштирган экспедиция ташкил этилди.

Возрождение ярим ороли Қорақалпоғистоннинг Мўйнок туманида жойлашиб Возрождение, Лазарев, Комсомолский, Константин, Беллинсгаузен собиқ ороллари ва Орол денгизининг олдинги тубидан иборат. Асосий ороллар бир-

бирига жуда ўхшаш бўлиб, саксовул билан ўралган шувокли чўлни ифодалайди, кумларда шарсимон гребеншиклар ўсади. Ўсимликлардан бу ерга турли солянкалар, қора саксовул, марь белая ва бошқалар хосдир. Орол денгизининг олдинги туби ёки Оролқумлар ўсимликларга бой бўлмаган, кумли ва шўрхок участкалардан иборат.

Текширувлар асосан собик Возрождение оролида ўтказилди. Биз деярли бутун оролни периметри бўйича айланиб чиқдик. Ҳамма ерда кўп сонли сайғоқ изларини учратдик. Бу ерда филтратлардан ҳосил бўлган бир нечта шўрроқ сув хавзалари бор. Хавзалар атрофида сувлоққа келадиган йирткичлар – тулки ва бўриларнинг излари белгиланди. Эксперт баҳолаш бўйича бўрининг сони 5-6 зотдан иборат. Эски учиш майдони худудида эрталаб 7.45 да эркак сайғоқни таъкиб қилаётган катта бўрини кўрдик. Кейинроқ беш (3та эркак ва 2та урғочи) зотдан иборат сайғоқ подаси ушбу учиш майдонида ўтлаётган эди. Урғочилар ўтлаётганда эркак сайғоқлар уларни кўриклаётган эди. Илгари сайғоқлар оролда хуррак бўлмаган, бироқ сейсморазведка ишларининг бошланиши ва доимий безовталанишдан сўнг эҳтиёткорроқ бўлиб қолганлигини таъкидлаш лозим (SN №9 қар.).

Шунингдек битта чопиб кетаётган эркак сайғоқ Лазарев собик ороли худудида белгиланди, бу ерда илгарироқ (2009 й. ноябрда) 18 бошдан иборат сайғоқ гуруҳи белгиланган.

Бизнинг кузатувларимиз бўйича ярим оролда юзга яқин сайғоқ яшайди, эҳтимол, кўпроқ ҳам, чунки оролнинг шимолий, автотранспортда ўтиб бўлмайдиган қисми аслида текширилмай қолди.

Ярим оролнинг ғарбий қисмида Орол денгизининг олдинги тубида табиий газ казиб олиш бўйича бурғиланш қурилмаси жойлашган. Шунингдек, Возрождение ярим оролининг, ҳозирги кунда сейсморазведка ишлари олиб борилаётган



Д.Нурможидонов сурати

**Ярим оролни ажойиб геологик ҳосилалар безатади.**

шарқий қисмида ҳам газ бурғисинининг қурилиши режалаштирилган, бу сайғоқларга салбий таъсир кўрсатади. Доимий безовталаниши сабабли, сайғоқлар асосан ярим оролнинг шимолий қисмида бўлиб, Возрождение туб оролидаги сувлоқларга кам келади.

Возрождение ярим оролига Орол денгизининг ески туби бўйича йўл ўтказилган, унда йўлдошли алоқа билан жиҳозланган "Aral Sea Operating Company" ҚКга тегишли, кўриқчилари бор иккита назорат ўтказиш пункти жойлашган. Кўриқчилар ярим орол худудига бегоналарни, шу жумладан ерли браконьерларни ҳам қўймайди. Кўриқчиларнинг айтишича собик Возрождение ороли яқинида улар сайғоқларни тез-тез кўриб турадилар: яқка зотларни ва сони 10га бошгача бўлган кичик гуруҳларини. Шунингдек бўрилар ҳам доим белгиланиб туради.

Ўзбекистон худудида ягона доимий яшайдиган сайғоқ популяциясини сақлаб қолиш учун, бу ерда халқаро кўрикланадиган худуд ташкил этиш зарур.



Д.Нурможидонов сурати

**Возрождение ярим оролидаги кўлдан ҳайвонлар сувлоқ сифатида фойдаланади.**

## Сайғоқларни сақлаш – бизнинг умумий ишимиз

А.В.Хлуднев

«Степной» заказниги, Россия, [angelok-19@yandex.ru](mailto:angelok-19@yandex.ru)

Қалмоғистон Республикаси Раҳбари томонидан 2010 йил - Сайғоқ йили деб эълон қилиниши, 2009 й. июнда Россия томонидан имзоланган Сайғоқни сақлаш бўйича меморандумнинг бажарилиши бўйича қилинган муҳим қадамлардан бири бўлди. Республика Ҳукумати томонидан тасдиқланган режа доирасида, сайғоқнинг замонавий ҳолати тўғрисида аҳолининг хабардорлиги даражасини ошириш билан боғлиқ турли чора-тадбирлар утказилапти, кўрик-танловлар, тўгарак столлар ташкил этиляпти (янгл. *тўпламини юқорида қар.*), сайғоқни браконьерлардан муҳофаза қилиш бўйича чоралар қабул қилинапти, популяция муҳофазасини кучайтириш учун маблағлар кидириляпти. Бу тадбирлар тўғрисида республика газеталарида мунтазам равишда мақолалар чиқяпти.

2009й. охири 2010 й. бошигача бўлган давр, ҳам сайғоқ учун, ҳам уни кўриклаётган инсонлар учун жуда оғир бўлди. Муз билан қопланган чуқур қор (джут деб аталади) сайғоқлар улар муҳофаза қилинмайдиган, бироқ, қор қоплами камроқ бўлган ва бу уларга озука топишга имкон берадиган, худудларга миграциясининг сабаби бўлди.

Мана бу ерда сайғоқларни браконьерлар кутади. Бироқ, уларнинг жиноий жазоланадиган “овлари” ҳар доим ҳам жазосиз қолади деб ҳисоблаш нотўғри. Қалмоғистон Республикаси бўйича ФСБ ходимларининг ҳаракати туфайли 11 март кунини Қалмоғистоннинг Черноземельск районида 19та сайғоқ танаси (340 кг гўшт; юқор. янгилик. қар.) билан милиция майори тўхтатиб қолинди. Бу ҳодиса, қаттиқ қишдан сўнг, урғочилар, одатда май ойининг бошида ўтадиган, кўзилашга тайёргарлик кўраётганда содир бўлди.

Давлат томонидан қонунларга (жумладан ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича ҳам) риоя қилинишини таъминлашга атайлаб чақирилган, милиция офицерини бундай ҳаракатларининг сабаларини қандай тушинтириш мумкин? Бўғоз урғочиларни қурол билан ўлдириш учун бутун номус ва виждонини йўқотиш керак. Қалмоғистон Республикаси суд органлари ушбу шахсга керакли жазо қўллайди деб умид қиламиз.

Маълум бўлганидай, 2008 й. январда ҳайвонот дунёсининг муҳофазаси бўйича ваколатлар Россия Федерацияси

субъектларига ўтказилди, бироқ иқтисодий танглик шароитида федерал марказдан жуда кам маблағ ажратилапти. Бу, Қалмоғистонда кўп йиллардан бери ишлаган, ва 30дан ортиқ одамдан иборат бўлган, сайғоқни кўриклаш бўйича отряднинг тарқатиб юборилишига олиб келди. Ҳозир чўл антилопаси (қолаверса, бутун биохилма-хиллик) муҳофазасини Табиий ресурслар, атроф муҳитни кўриклаш ва энергетикани ривожлантириш вазирлигининг инспекторлари бажармоқдалар, уларнинг ихтиёрида олти кишидан иборат штаб, иккита “Нива” автомобили ва битта “УАЗ”. Очқичасига бу етарли эмас ва инспекторларга бундай шароитларда ишлаш жуда қийин. Яхши жиҳозланган браконьерларга улар ета олмайдилар. Уларга маҳаллий аҳолининг, айниқса чорвачилик манзилгоҳларда турган ҳамда чўлни ва сайғоқ тарқалишининг хусусиятларини яхши билган чўпонларнинг амалий ёрдами керак. Кўшни худудлар ва тур сакланишига биринчи навбатда жавобгар бўлган, алоҳида кўрикланадиган худудлар билан биргаликда ҳаракат қилиш талаб этилади.

“Степной” заказниги Дирекцияси томонидан, у 2000 й. ташкил топгандан буён, браконьерликни йўқотиш ва заказник худудида сайғоқни табиий қайта тикланиши учун шароитларни таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилмоқда. Инспекторлар ўзларига Астрахан области Маъмурияти томонидан топширилган худудни кечаю кундуз кўриклапти. Яқинда заказникда жиноят устида иккита браконьер қўлга олинди, уларнинг бири (Прикаспийск пос. яшовчи) каттик режимли колонияга қамаш билан 3,5 йилга озодликдан маҳрум қилинди, иккинчиси эса (Яшқўл пос. яшовчи) суд ҳукмини кутмоқда. Бироқ, регионал бюджетдан оз маблағ ажратилишида танглик шароитида сайғоқнинг ишончли муҳофазасини таъминлашнинг амалда иложиси йўқлигини рўйирост айтиш лозим.

Келиб чиққан вазиятни ҳисобга олиб, фаолиятимизни таъминлаш учун қўшимча маблағ излаб қақаро табиатни муҳофаза қилиш фондлари билан ҳамкорликда ишлашни давом эттиряпмиз. Шундай, 2009 й. августда дирекция ГСМ сотиб олиш учун Сайғоқни сақлаш бўйича альянснинг грантини ютиб олди. Бу маблағ заказник худудида ва унга яқин



Очликдан нобуд бўлган ургочи сайғоқ.

## Медицинада сайғоқ шохининг ўрнига уй буйволи шохидан фойдаланиш

Гуйхон Цзян

Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти (WCS), Хитой, [gzhang@wcs.org](mailto:gzhang@wcs.org)

Сайғоқ шохидан фойдаланиш бўйича ёзувларни 2000 йиллик «Shengnong Bensaо» (деҳқоннинг доривор моддалар тўғрисидаги илоҳий асари) асаридаёқ топишимиз мумкин. Аънавий хитой медицинаси (АХМ)да сайғоқ шохининг хусусиятлари “шўр” ва “совук” деб белгиланган. Улар асосан гипертоник криз, эпилепсия, апоплексия ҳамда кома ва томир тортишга олиб келадиган баланд иситма ва смазмаларни даволашда қўлланилади. «Bensaо Gangmu» (доривор моддалар шарҳи)да



А. Хурчиев сурати

### Ўлдирилган сайғоқ билан тўхтатилган браконьер.

худудда, умуман олганда 14 мингга яқин км босиб ўтиб, сайғоқни кўриклаш бўйича 40га яқин рейдларни ўтказишга имкон берди. Лойиҳа туфайли бизга сайғоқнинг муҳофазасини, қуйиқиш ва қўзилаш даврларига алоҳида эътибор бериб, керакли даражада таъминлашга имкон берилди. Хар хил вақтда инспекторлар заказник худудида 300дан 10 000 бошгача сайғоқларни кузатганлар. 2010 й. IFAW бизнинг кўпни кўрган автотранспортимизга янги шиналар ва иккита аккумулятор олиш учун шошилишча ёрдам сифатида пул берди, шунингдек янги автомашина олишимиз учун ҳам маблағ ажратди. WWF ГСМ сотиб олиш учун маблағ ажратди. WCN ҳаракатлари туфайли, АҚШнинг хусусий шахсларидан хайр-эхсон кўринишида моддий ёрдам олдик, улар ҳам ГСМ сотиб олиш учун ишлатилди. Фурсатдан фойдаланиб “Степной” заказнигининг дирекцияси Шимоли-Ғарбий Каспий олдида камёб сайғоқ популяциясини сақлаш бўйича ҳаракатларини молиявий қўллаган ушбу ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ниҳоят Сайғоқ йили фақат Қалмоғистонда эмас, балки Шимоли-Ғарбий Каспий олдида ҳам эълон қилинганда ва унинг ҳимоясида чўлларимизнинг “тирик қазилмасини” кутқариш ва сақлаб қолиш учун ушбу региондаги Россия Федерацияси субъектларини барча табиатни муҳофаза қилиш тизимларининг ҳаракатлари бирлаштирилганда эди, бу жуда аҳамиятли бўларди. Сайғоқни сақлаш учун ҳаракатларни бирлаштириш бўйича тажрибамиз бор. 2006-2007 йилларда Қалмоғистон Республикаси табиий ресурслар ва атроф муҳитни кўриклаш бўйича Кўмита раҳбарияти ва “Степной” заказниги дирекцияси имзолаган сайғоқни муҳофазалаш бўйича битим амалда қўлланилган эди, афсуски (заказник айби билан эмас), у узайтирилмади. Бундай янги битим доирасида ҳамкорлигимизнинг таъминланиши, ҳам Қалмоғистонда, ҳам Астрахан области худудида 2010 йилга режалаштирилган тадбирларнинг муваффақиятли ўтказилишига яхши ҳисса қўшар эди. Ушбу мақола битимнинг янги матнини тайёрлаш бўйича музокараларнинг бошланишига асос бўлади деб умид қиламиз.

уй буйволининг шохлари ҳам “шўр” ҳамда “совук” деб белгиланган ва баланд иситмани туширишда, токсинларни чиқаришда ва қон босимини пасайтиришда ишлатилган. 1998 й. Хуа томонидан ўтказилган тадқиқотларга мувофиқ, қатламли хроматография усулини қўллаш билан сайғоқ ва уй буйволининг шохларида аминокислоталар бир хил даражадалиги бироқ, айрим микроэлементларнинг концентрацияси турли бўлиши аниқланди.

Клиник тадқиқотлар буйвол шохи кон босимини пасайтира олишини кўрсатди. Масалан, доривор ровоч (*Rheum officinale*) қўшилган ва асосан уй буйволи шохининг кукунидан иборат бўлган Huangjiao Tang (доривор шўрва) 121 ҳолда умумий самарадорликнинг 90% даражасида ўткир церебрал инфарктни даволашда қўлланилган.

2009 й. октябр ойида SCA кичик грантлар дастурининг грантини олдик (SN №10 қар.) ва уни WCS хитой дастури орқали лойиҳани бошлаш юбориш учун ишлатдик. Сайғокни сақлаш бўйича командалар сифатида ўрта синфларнинг маҳаллий ўқувчиларидан учта гуруҳ туздик. Командалар ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва уларни мақсадли аудитория орасида тарқатишга жавобгар эди. Ҳозирги кунга командалар учта жамоа билан, сайғок шохидан тайёрланган дорилар ўрнига уй буйволининг шохидан тайёрланган ўхшаш дориларни сотиб олишга рағбатлантириб, муваффақиятли иш олиб борди.

“Сайғок абадий” деб номланган команда эътиборини дори воситаларининг истеъмолчиларига қаратди. 2010 й. февралдан мартгача ўқувчилар, ўзлари тайёрлаган плакат ва брошюралардан фойдаланиб, Хайцзю райони Феникс кўчасида тадбирлар ўтказдилар. Улар ушбу райондаги АХМ дорихоналари ходимларини дорихоналарга плакатларини осиб қўйишга кўндирдилар. Ушбу дорихонада дори сотиб олмакчи бўлган харидорлар сайғокни сақлаш бўйича брошюралар олдилар. Шунингдек команда уй буйволи шохини сайғок шохи ўрнига ишлатилиши тўғрисида жамоат билан очик суҳбат



“Сайғок абадий” командаси плакатини АХМ дорихонасида жойлаштирди.



Гуаньжоу автобусида сайғокни сақлаш бўйича плакат уюштирди.

Иккита бошқа кампания муаммонинг ижтимоий изоҳланишини оширишга бағишланди. Командалар сайғокни сақлашга бағишланган хикоя, спектакл ва шеърлар ўйлаб чиқарди ва кейин маҳаллий аҳолига томоша кўрсатди. Улар одмларни уй буйволи шохидан тайёрланган махсулот каби, сайғок шохидан тайёрланган дорилар ўрнини босувчи дориларни сотиб олишга чақирдилар. Уларнинг намоиши ва бошқа ишлари туфайли, одамлар сайғокни сақлаш муҳимлигини тушинишни бошладилар ва уларда сайғок шохи ўрнига уй буйволи шохидан тайёрланган дориларни ишлатиш истаги пайдо бўлди.

WCS Хитой Дастури Гуаньжоуда 6 ой муддатга 6-сонли автобусда сайғокқа бағишланган 10та плакат жойлаштирди. Автобус АХМ маҳаллий бозорлари ёнида жойлашган учта бекадан ўтади. Бу вақт ичида 150 мингдан ортик одам табиатни муҳофаза қилиш бўйича маълумот оладилар.

“Сайғокни сақлаб қолиш” командаси Гуаньжоунинг Тианхэ р-ни, Хуйжинг шаҳрида расмлар кўригини ташкил этишни режалаштирган.

## Россияда инфор­мацион-оқартув кампания натижаларини баҳолаш

К.Хау<sup>1</sup>, О.Обгенова<sup>2</sup>, Э.Дж.Милнер-Гулланд<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Империял Коллеж Лондон, [c.howe.01@cantab.net](mailto:c.howe.01@cantab.net). <sup>2</sup>Қалмоғистон Республикаси экологик лойиҳалар маркази

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ижобий муносабат ва ўргатишни ривожлантириш учун кенг қўлланиладиган формал ва ноформал таълим, хусусан, инфор­мацион кампаниялар табиат тўғрисида билимларни оширишда самарали восита бўлишини кўрсатади ва табиат муҳофазасига ижобий муносабатни туғдиради. 2006-2008 йй. Буюк Британия ҳуку­матининг Дарвин Ташаббуси фонди 2003-2007 йй. даврида ўтказилган табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларининг сайғокқа бўлган муносабатни ва у тўғрисидаги билимларга таъсирини ўрганиш мақсадида, Россияда тадқиқот ўтказилишига маблағ ажратди. Ушбу иш Империял Коллеж Лондон ва Қалмоғистон, Экологик лойиҳалар маркази билан биргаликда ўтказилди. Биз 8та посёлкадан 250та одамни, уларнинг сайғок тўғрисидаги фикрини ва сўнгги

йилларда у тўғрисида олган маълумотни эслай олиш олмаслигини билиш учун сўроқладик. Посёлкалар, уларда ўтказилган табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг турлари бўйича бир биридан фарқланар эди. Қалмоғистонда тўртта посёлкада (Утга, Эрдневский, Молодежный ва Адик) регионал ва маҳаллий газета ва маҳаллий телевидение орқали ОАВ кампаниялари ўтказилди. Хулхутта ва Таван-Гашун посёлкалари (Қалмоғистон) ҳам сайғокни сақлашнинг фаол жараёнига ва оқартув ишига жалб этилди. Жумладан DEFRA молиялаштирган, табиатни муҳофазалаш кичик лойиҳалар Схемаси (SEPS) орқали сигирларнинг ротацияси бўйича лойиҳага ҳам. Акс ҳолда Астрахан обл. Лиман районининг 2та (Баси ва Зензели) посёлкасида одамларни жалб этиш бўйича ҳеч қандай талбиқлап ўтказилмаган



Бундай тадбирлар фақат “Степной” заказниги атрофида ўтказилди. Интервью берувчиларга сайғокни неча маротаба кўрганлиги, сайғок сонини ўзгарганлиги ва сайғокни сақлаш бўйича маҳаллий лойиҳалар тўғрисида нималарни билиши ва тур сақланишига қандай ихтиёрий хисса қўша олиши бўйича саволлар берилди. Шунингдек улардан сайғок тўғрисида маълумотлар олган ҳолларини эслаш олиш олмаслиги тўғрисида ҳам сўралди. Агарда улар эслашса, маълумотни қачон ва қандай кўринишда (масалан, газетадан ёки телевидениедан) олганини, улар нима тўғрисида бўлгани (масалан, экология ёки табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида) ва улардан тезда самара (маълумотлар олгандан сўнг интервью берувчининг тушунчалари ўзгарди) олинганини аниқладик.

*Сайғок ва унинг сақланишига одамларнинг муносабати.*

Умуман, текшириш сайғокқа ва унинг муҳофазасига ижобий муносабатни кўрсатди. Сўроқланганларнинг 94% ҳозир сайғокни келажак авлод учун сақлаш зарурлиги айтди, 84% эса Россияда сайғокнинг йўқолишига қаршилигини билдирди.

*Информацион маълумотларни қимлар олади?*

Сўроқланганларнинг 76% ҳар хил турдаги маълумотларни олгани эсида бўлиб, улардан сизирлар ротациса бўйича SEPS лойиҳасига жалб этилганларнинг маълумотлар олгани эсида эди. Бу информацион кампания ўзининг мақсадли аудиториясига етиб борганини кўрсатади. Эҳтимол, табиатда сайғокларнинг кўп миқдорини кўрган ва ёки унинг сақланиши тўғрисида билган одамлар буни эсидан чиқармайдилар. Бу натижалар, сайғок ва унинг муҳофазаси бўйича ҳаракатлар тўғрисидаги бошланғич билим инсон ўқигани, кўргани ёки информацион кампанияда иштирок этганига ишончни кучайтирди деган фикрга олиб келади.

*Маълумот олишман балари қандай?*

Информацион кампанияда иштирок этмаган одамлар (Астрахан посёлкалари) 2006 йилгача маълумотни, одатда, телевидение орқали олганлар. Кўп ҳолларда маълумот сайғокнинг замонавий ҳавф остидаги аҳволи ва тур муҳофазаси тўғрисида эмас, балки унинг экологияси ва яшаш тарзи тўғрисида бўлган. Акс ҳолда, информацион кампанияда иштирок этган одамлар иккита манба - газета ва телевидениедан олган маълумотларни ҳамда экология, муҳофаза қилиш ва браконьерлик каби, ёритилган мавзуларни эса тутганлар. Натижалар аёллар эркакларга нисбатан табиатни муҳофазаси тўғрисида камроқ ўқишини кўрсатди ( $\chi^2 = 8.986$ ,  $p = 0.029$ ,  $df = 3$ ).

*Маълумот қандай таъсир кўрсатди?*

Информацион маълумотлар тез таъсир кўрсатиши кўрсатмаслигидан қатъий назар (маълумот олинганда сайғок билан боғлиқ муаммони тушинишда ўзгаришлар бўлди йўқми) уларнинг ўзлаштирилиши инсон жинси ва информация манбаси билан боғлиқ эди. Телевидение



К.Хур сурати

**Тадқиқотчилар командаси Яшқўл мактабининг ўқувчи ва ўқитувчилари билан.**

ўқиш учун материалларга нисбатан самаралироқ восита эди, эркаклар эса телевидениедан аёлларга нисбатан кўпроқ таъсирланди. Агар одамлар олган маълумотни ўзлаштирган бўлсалар, улар бу тур бўйича ҳеч қандай маълумотни эслаш олмаганларга нисбатан сўнгги уч йилда сайғокқа ижобийроқ қарайдиган бўлдилар.

*Ҳулосалар*

Тадқиқот натижалари Шимоли-Ғарбий Каспий олди аҳолиси, умуман олганда, сайғокқа ва унинг муҳофазасига ижобий қарашини кўрсатди. Уларнинг кўпчилиги тахминан 2005 йилдан бошлаб Дарвин Ташаббуси лойиҳаси ва бошқ. доирасида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш бўйича регионда ўтказилган дастурларнинг таъсири остига тушган. Ушбу регионда газета ва телевидение каби ОАВ аҳолининг кўп қисми учун тушунарли ва улар табиат муҳофазаси бўйича маълумотларнинг нашр этилишига манфаатдор. Информацион кампания турли мавзулар бўйича маълумот узатишининг ҳам босиладиган, ҳам визуал воситаларидан фойдаланди. Ушбу тадқиқот самарали информацион кампания ўтказиш учун, мавжуд бўлган телевидение ва матбуот каби маълумот узатиш тизимларидан фойдаланишнинг муҳимлигини кўрсатди. Яна у, ҳайвонларни кўрганлиги ёки посёлкаларида табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларига жалб этилганлиги сабабли, сайғок билан боғлиқ муаммога дахлдор бўлган одамлар катта эҳтимоллик билан ушбу савол бўйича ОАВ маълумотларига эътибор бериши ва эсида тутишини кўрсатди. Бу одамларнинг сайғокқа бўлган муносабатини ижобий тарафга ўзгаришига олиб келади. Демак, бу тадқиқот кўрсатишича, ОАВдан фойдаланиш, айниқса бошқа табиатни муҳофаза қилиш тадбирлар билан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатла ининг самарали компоненти бўлади.

## Меҳр билан бошланган иш ўз ҳосилини беради

А.Б.Нурумбетова

Қорақалпоғистон Республикаси «Онермент» хунармандлар ассоциацияси, [aiza71@mail.ru](mailto:aiza71@mail.ru)

Маҳаллий аҳолининг бандлигини ошириш ва маблағнинг альтернатив манбаларини ривожлантириш мақсадида “Онермент” хунармандлар ассоциацияси томонидан Сайғокни сақлаш бўйича альянс билан биргаликда миллий кашта бўйича лойиҳа бошланди. Лойиҳа 2008 й. WCN ёрдамида бошланди (SN № 7, 9 қар.) ва 2009 йилда The Wild Foundation молиявий кўмагида давом этди. Ўргатиш учун сайғокқа браконьерлик даражаси баланд бўлган иккита (Жаслик ва Қорақалпоқ) посёлкадан аёллар таклиф этилди. Бу фаолият аёлларни ва улар орқали уларнинг

оилаларини сайғокни сақлашга жалб этишига ҳамда уларни арзон сайғок гўштини сотиб олмасликка ишонтиришига аминмиз.

2009 й. баҳор ва ёзда бир қатор семинар ва тренинглар ташкил этилди, бу ерда кизлар миллий қорақалпоқ каштасининг маҳорати ва сирларини ўзлаштирдилар. Бизнинг мақсадимиз уларни фақат хунарга ўргатиб қолмай, балки бошқа аёлларни хунарга ўргатиш бўйича ишларни кейинчалик давом эттирадиган йўлбошчиларни аниқлаш ва тарбиялаш эди.

Семинарлар вақтида қизлар психологик тренинглари ўтдилар, ўлкашунослик музейи ва Савицкий номидаги санъат музейини зиёрат қилдилар, бу ерда улар маҳаллий каштанинг анъанавий намуналари билан танишдилар. Бунинг ҳаммаси уларнинг кейинги ривожланишига туртки бўлди. Маҳаллий телевидениеда чиқиш ва газетадаги интервьюлари ўзлари хақидаги фикрларини янада оширди. Тренингдан ўтган қизларнинг ҳар бири Қорақалпоғистон Республикаси Аёллар қўмитаси ва “Онермент” хунармандлар ассоциациясидан сертификат олди.

Семинарлар тугагандан сўнг Жаслик п. аёллари билан муваффақиятли бошланган ҳамкорлигимизни давом эттирдик. Мустақил кашта тикиш учун барча материаллар тайёрланди ва бериб юборилди. 6 ой давомида Кўнгрот тумани қизлари билан алокани ушлаб турдик; улар орасида, Нукусга мустақил келиб буюртмаларни олиб кетадиган, йўлбошчи Майна Бийсенбаева аниқланди. У атрофида 15 қиздан иборат гуруҳни йиға олди. Улар қорақалпоқ каштаси маҳоратини муваффақиятли ўзлаштириб, биринчи пулларини топа бошладилар.

Қизларимизнинг сифатли ва яхши иши 2010 й. 11 мартда Нукус ш. Ўзбекистон Республикаси президенти совринига ўтказилган “ТАШАББУС-2010” кўрик-танловида иштирок этиш учун Майнани таклиф қилишга имкон берди. Дастлабки тайёргарлик ва тиришиш Майнага ушбу кўрик-танловининг лауреати бўлишига ва нуфузли дипломи олишига имкон берди.

Апрел ойининг охирида жаслик хунарманд гуруҳи Сайғоқ кунини нишонлаш доирасида маҳсулотларининг кўргазмасини ташкил этди (юқор. қар.). “Онермент” аъзолари ҳам байрамда қатнашдилар. Улар Майнанинг оиласи ва гуруҳнинг бошқа аъзолари билан танишдилар, келаси режаларни муҳокама қилиб, хунарга қўшимча ўргатдилар. Шунингдек иккинчи гуруҳни тузишга ҳаракат қилинди.

## Лойиҳалар шарҳи



### ПРООН/ГЭФ/ Россия Табвазирлиги чўл лойиҳаси сайғоқни сақлашга ёрдам беради

2010 й. майда ПРООН/ГЭФ ва Россия Табвазирлигининг “Россиянинг чўл биомиди АҚТХ(ООПТ) бошқариш тизими ва механизмларини такомиллаштириш” беш йиллик лойиҳаси бошланди (қар. Степной Бюллетень № 25, 2009 ва № 28, 2010 - <http://www.sibecocenter.ru/sb.htm>). ГЭФ ва ПРООН унга 5,3 млн. доллар ажратяпти. Россия учун бу, айнан чўлларни сақлашга қаратилган биринчи йирик ГЭФ лойиҳаси.

Лойиҳа Россия чўлларини сақлашда АҚТХ(ООПТ) ролини кучайтиришга қаратилган – ҳам АҚТХ(ООПТ) мавжуд бўлган тизимини оптималлаш йўли билан, ҳам худудий муҳофаза билан таъминланган чўл экотизимларининг майдонини ошириш ёрдамида. Лойиҳа учта асосий компонентдан иборат: (1) АҚТХ(ООПТ) чўл тизимларининг бутунлигини кенгайтириш ва ошириш; (2) АҚТХ(ООПТ) чўл участкаларини оператив бошқариш имкониятини ошириш ва (3) АҚТХ(ООПТ) кенгайтирилган тизимининг институционал салоҳиятини ошириш. ГЭФнинг одатдаги ёндашишига мувофиқ, асосий тадбирлар тўртта пилот регион ва уларга тегишли тўртта кўрикхонада ўтказилади. Ушбу регионларнинг бири (Чита, Оренбург ва Курск обл. ташқари) – Қалмоғистон Республикаси. Асосий АҚТХ(ООПТ) бу ерда – “Чёрные земли” Давлат табиат биосфера кўрикxonаси, асосий масалаларининг орасида – сайғоқ популяциясини сақлаб қолиш. Лойиҳа доирасида



Онермент сурати

Бийсенбаева Майна – Жаслик п. хунармандчилик гуруҳининг раҳбари.

Энг қувонарлиги, Устюрт қизларида маҳоратини янада оширишга истак туғилди. Масалан, қозоқ каштасини ўзлаштириш, бу уларга маҳсулотини ўзлари яшайдиган жойда сотишга имкон яратади<sup>3</sup>.

Устюртда хунарларни ривожлантириш бўйича лойиҳани бажаришни давом этяпмиз. Бизнинг умумий мақсадимиз - ушбу фаолиятни барқарор ва мустақил қилиш. Бунинг учун Майнага хусусий тадбиркор патентини расмийлаштиришга ва Қорақалпоғистон хунармандлари ассоциациясининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишига ёрдам бердик. Тикув машинасини сотиб олишга ҳам ёрдам бердик. Ҳис этишимизча, агар қизлар қорақалпоқ каштасига қўшимча қилиб қозоқча маҳсулот тикишни бошласалар, кичик бизнеснинг ривожланиши тезлашади, чунки охириги айнан Устюрт аҳоли пунктларида талабга эга.

кўрикхона, умумий майдони 300 минг гектарли, ферал аҳамиятга эга бўлган иккита заказникни ўз бошқарувида олиши керак («Меклетинский» ва «Сарпинский», биринчиси бўйича РФ МПР қарори қабул қилинди). Лойиҳа кўрикхонага, қўшни ердан фойдаланувчилар кўриклаш режимига риоя қилишларини таъминлаш ва кўрикхона билан низоларни минималлаштириш, жумладан браконьерлик сабабларини камайтириш мақсадида, улар билан самарали ҳамкорлик ўрнатишга ёрдам беради. Шунингдек кўрикхонанинг асосий вазибаларини яхшилаш учун ҳар томонлама ёрдам олади:



А. Павленков сурати

Шренк лолалари гулламоқда.

<sup>3</sup>Таҳририятдан: Устюрт платосининг ўзбек қисмида аҳолининг кўп, 98% яқин қисмини этник қозоқлар ташкил этади.

бу ерга кўриқчиларни қўшимча жиҳозлаш ва ўқитиш, кўриқхона чегарасида сахро-чўл экотизимлари ва сайғок популяциясининг мониторинг тизимини йўлга қўйиш кирази. Сўнги йилларда дахшатли кўламларга етган ва жумладан сайғоққа ҳам ҳавф туғдираётган, чўл ёнғинларини тартибга солишга алоҳида эътибор кўрсатилади.

Сайғок лойиҳанинг бешта индикатор турларидан бири қилиб танланди. Шу муносабат билан, уни сақлаш бўйича Федерал стратегия ва регионал ҳаракатлар Режаси ишлаб чиқилади. Ушбу йўналиш доирасида лойиҳа, бошқалар орасида, ҳисобга олиш ишларининг тикланишини ва тур муҳофазасини яхшилаш бўйича биринчи навбатдаги амалий чораларни (аввало АҚТХ чегарасида) қўллаб қувватлайди. Браконьерлар билан курашиш учун муассасаларро ҳамкорликни ташкил этилиши сайғокнинг химояланганлигини ошириш йўлларида бири бўлиб қолади. Лойиҳани сайғокни сақлаш муаммосига ёндашишининг асосига турга бўлган ҳавфни ва тегишлича, унга қарши ҳаракатни комплекс кўриб чиқиш тамойили



И. Смелянский сурати

**Синий Сирт учун тирс чўллари жуда мос.**

ётказилади. Қўшимча маълумот учун лойиҳа техник маслаҳатчиси [Steppe.bull@gmail.com](mailto:Steppe.bull@gmail.com) И. Смелянскийга мурожаат қилинг.

## Сайғокни сақлаш учун мактаблар билан ишлаш

Барқарор ривожланиш тизими (ОУР) бўйича таълим “Барқарор ривожланиш тизими бўйича ўн йиллик таълим” (ДОУР) БМТ дастурининг қисми сифатида, мавжуд бўлган, ва у туфайли Мўғулистонда барқарор ривожланишни тутиб туриш учун ўқувчилар барча босқичда билим олиб тажрибага эга бўла оладиган, таълим тизимини ўзгартириш ва мукамаллаштириш учун асосий ёндашиш бўлади. WWF-Мўғулистон – 2004 йилдан бошлаб, ушбу ёндашишдан фойдаланишни бошлаган биринчи ташкилот. Табиатни сақлаш сиёсатимизнинг бир қисми бўлади, ўқитувчиларни ўқитиш йўли билан, мактабларга қилинган интеллектуал инвестицияларга эътибор қаратишни муҳим деб биламиз. Ушбу ёндашиш сайғок ареалида жойлашган мактабларда, “Ғарбий Мўғулистонда Буюк кўллар ҳавзасида сайғокни сақлаш” лойиҳаси доирасида қўлланилади. Ўқув йили давомида икки марта- 2009 й. ноябрда ва 2010 й. майда бешта мактабда мобил тренинглари ўтказилди. ОУР тизими бўйича тренинглари хусусияти бу мактабларнинг ҳар бир ўқитувчиси, раҳбари ва маъмуриятини фаол жалб этилиши. Иштирокчилардан, WWF билан доимий ҳамкорликда маҳаллий даражада мос ўқув режаларини ишлаб чиқиш, уларни текшириб жорий этиш учун, командаларда ишлаш

сўралади. Тренинглари якунида ўқитувчилар сайғокни сақлаш вазифаларини фақат экологик муаммоларнинг эмас, балки тежамкорлик ва ижтимоий истиқболлар контекстига киритиб, 18 ўқув режасини ишлаб чиқдилар.

Бундан ташқари, 2010 й. апрел ойининг охирида “Барқарор ривожланиш ва сайғокни сақлашнинг орасидаги боғлиқлик” мавзуси бўйича амалий семинар ташкил этилди. Энг яхши ўқитувчилар ўзларининг ОУР қўниқма ва усулларини синфда намоиш этдилар, бу иштирокчиларга ушбу глобал ёндашишни яхшироқ тушинишларига имкон берди.

Лойиҳа аймақларнинг Таълим Бўлимлари томонидан аҳамиятли қувватланди, мактаблар раҳбарияти эса пилот ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Ўқитувчиларни ўқитиш вақтида Таълим Бўлимлари ва уларнинг методистларининг роли жуда муҳим. Барча ўқитувчилар пилот мактабларда ОУР бўйича ўз устуворликларини аниқладилар ва мактабларда ОУР моделларини тестдан ўтказдилар (жумладан мисол, усул ва материалларни). Ўқитиш - бу яхши натижалар олиш учун самарали йўлигини амалда кўрсатди. Қўшимча маълумот учун алоқалар бўйича менежер, [Kuhlan@wwf.mn](mailto:Kuhlan@wwf.mn) Куланга мурожаат қилинг.

## Креативлик – муваффақият гарови!



Яшқўл к. Марказий кутубхонаси кутубхоначиси Екатерина Очированинг сайғоклар тўғрисида тўлиқроқ маълумотлар бор “Мамонт тенгдошлари ёнимизда” компакт-дискни яратиш

бўйича лойиҳаси муваффақиятли якунланди. Қалмоғистон Республикаси Раҳбари совринига ўтказилган республика кўригининг “Креативлик – муваффақият гарови!” номинациясида муниципал тузилмаларнинг кутубхона ишчилари орасида Екатерина сўзсиз ғолиб бўлди. Дискни сайғокнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва яшаш тарзи тўғрисида маълумотларга эга, турли китоблардан олинган тўлиқ матнли материаллар тақдим этилган “Сайғок – табиат мўжизаси” саҳифаси очади. Кейинги бўлимлар долзарб мавзуларни акс эттиради: “Сайғокни сақлаш – умумий ишимиз”, “Кўриқхоналар”, улар ҳам сайғокни сақлаш муаммолари ва Қалмоғистон худудида ишлаётган табиатни муҳофазга қилиш ташкилотлари тўғрисида тўлиқ матнли материалларга эга.

“Адабиёт саҳифаси”, “Сайғок қалмоқ фольклориди” бўлимлари тўлиқ матн келтирилиши билан адабий манбаларнинг библиографик тавсифидан иборат.

“Изографика”, “Фотогалерея” бўлимлари муштарийларни Қалмоғистон рассомлари, сураткашларнинг сайғоққа бағишланган ишлари билан таништиради. “Ковиллар бешигида” электрон презентацияси алоҳида бўлим қилиб тақдим этилган. Ушбу информацион дискнинг муҳим қисми - китоблар, мақолалар, даврий нашрлар ва Интернетга ҳаволалар рўйхати келтирилган “Библиография”.

Лойиҳа материалларни мунтазам равишда мукамаллаштириш ва янгилаш имкониятига эгаллиги билан ўзига тортади. Бу биринчи, ва ҳозирча ягона диск, Яшқўл районининг маданият қишлоқ ишчиларининг йиғилишида ҳамда бир қатор таълим муассасаларида Сайғок йили доирасида ўтказилган тадбирларда намоиш этилди. Иш жуда катта қизиқиш уйғотди, бундай материал фақат Яшқўл районининг эмас, балки Республика таълим муассасалари ихтиёрида бўлишига кўп тилаклар билдирилди. Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази лойиҳа муаллифи Екатерина Очирова билан биргаликда ушбу дискнинг мукамаллаштирилиши устида ишламоқда, бироқ, афсуски, уни безатишга ва керакли микдорда тиражини белгилашга ҳозирча маблағимиз йўқ. Керакли ёрдам топа оламиз деб жуда умид қиламиз. Қўшимча маълумот учун Н.Ю.Ариловага, [arylova@gmail.com](mailto:arylova@gmail.com) мурожаат қилинг.



# Янги нашрлар

Н.Дж.Сингх, Ю.А.Грачев, А.Б.Бекенов, Э.Дж.Милнер-Гулланд безовталаниш омилнинг ўсиши шароитида сайгоқ томонидан кўпайиш жойларининг танланиши. // *Biological Conservation* **143**, 2010. – б. 1770-1779.

Кўп ер сут эмизувчилари кўпайиш жойларида тўдалар ҳосил қилади. Бундай тўдаларга, эҳтимол, ресурс ва сувдан фойдалана олишнинг ўзгариши, йирткич ва безовталиқка чап бериш имкони муҳим бўлади. Кескин ҳавф остидаги сайгоқ бу турлардан бири. Биз тур ареалининг чегарасида кўпайиш жойларини танлашни белгилайдиган омилларни ҳамда бу жойларнинг мавсумий жойлашишида ўзгаришларини аниқлаш учун, авиация ва ер текширувлари вақтида олинган, сўнгги 40 йил давомида Қозоғистонда сайгоқнинг кўзилаш жойларининг жойлашиши бўйича макон-замон маълумотларини таҳлил қилдик. Кўзилаш жойларини тасодифий участкалардан фарқлайдиган омилларни баҳолаш ва кўзилаш учун тўғри келадиган ерлар жойлашишини олдиндан айтиб бериш учун умумлаштирилган бирлаштирилган фойдаланиш-мумкин бўлиш (использования-доступности) моделлари ишлаб чиқилди. Сайгоқлар махсулдорлиги ўртачадан паст бўлган ва йиллар бўйича махсулдорлик ўзгарувчанлигининг даражаси паст бўлган, сув манбаларига яқин ва одамлар турар жойларидан узоқдаги участкаларни танлаган. Охириги 10 йил давомида кўзилаш жойларининг аҳамиятли ўзгариши кузатилган. Улар узоқроққа, шимолга сурилиб, аҳоли пунктларидан янада узоқлашган. Натижалар кўзилаш жойларини танлаш муҳим даражада атроф муҳит омиллари билан белгиланишини кўрсатди. Бироқ безовталаниш омиллари ҳам бундай жойларни танлашда жиддий таъсир кўрсатади. Сўнгги ўн йилликларда унинг таъсири атроф муҳит омилларининг таъсирига босади. Безовталаниш омиллари таъсирининг кучайиши сайгоқ сонининг браконьерлик сабаби билан кескин қисқарилиши ва Совет Иттифоқи тарқалишининг кетидан кечган молларни боқиш учун ердан фойдаланиш интенсивлигининг қисқарилишига тўғри келади. Ўхшаш тадқиқотларга асосланган прогноз моделлар самарали мониторинг ва урғочиларни улар учун йилнинг кескин бўлган даврида муҳофаза қилиш учун, терма стратификацияси йўли билан тур муҳофазасини яхшилаш мумкин.

Н.Дж.Сингх, Ю.А.Грачев, А.Б.Бекенов, Э.Дж.Милнер-Гулланд Марказий Осиёда ўсимликлар қидириб: сайгоқ миграцияси// *Diversity and Distributions* **16**, 2010. – б. 663-675.

Маълум бўлганидай, озуқа ва сув, йирткич ва қаттиқ иқлим шароитларидан пана излаб ер ҳайвонлари узоқ масофаларга кўчиб ўтади. Бу феномен ўрганилапти, бироқ кўчиб юрвчи турларнинг ўзлари тўғрисида билимларимизда бўш жойлар кўп. Сайгоқ Марказий Осиё ва Россиянинг Каспий олди регионидан катта масофаларга кўчиб ўтишини биламиз. Совет Иттифоқининг ташкил этилиши ва тарқалиши билан боғлиқ, сўнгги юз йилликда содир бўлган, ижтимоий-сиёсий ва ер ўзгаришлари сайгоқ ареали ва популяциясида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Турнинг тўртта популяциясини солиштирдик ва уларнинг ареали, миграцияларнинг экологик сабаблари ва уларнинг мавсумий ареалини танлашни белгилайдиган омилларда айирмаларни аниқладик. Ареаллар ўртасидаги тафовутни ўрганиш учун, 40 йиллик бевосита кузатувларнинг маълумотларидан фойдаланиб, тупроқ махсулдорлигининг мавсумий ўзгаришлари, ёғингарчилик миқдори ва топографик ўзгарувчанликлар каби кўрсаткичларга таяндик. Тўртта популяция ҳам, махсулдорликнинг мавсумий ўзгарувчанликларига эргашиб, кенглик бўйича кўчиб ўтади, бу ёғингарчиликларнинг кенг кўламли ўзгаришлари билан яқиндан боғлиқ. Локал топографик ва иқлимий айирмалар барча популяцияларнинг мавсумий яшаш жойларининг макон-замон вариацияларини белгилайди. Оралик махсулдорлик ва унинг ўзгарувчанлигининг паст йиллик кўрсаткичлари, юқори қийматларига нисбатан мавсумий ареал ичида жой танлашга кўпроқ таъсир кўрсатади. Қозоғистонда миграциялар махсулдорлик билан белгиланади ва яқинда популяцияга бўлган салбий таъсирга қарамай, бошқа омиллар билан мураккаблашмаган. Каспий олди регионидан эса уларнинг мақоми аниқ эмас. Яшаш муҳитининг йўқолиши, браконьерлик, етарсиз даражадаги муҳофазаси ва турлар биологиясида экологик билимларимиздаги бўш жойлар туфайли, популяцияларнинг тўрттаси ҳам жиддий ҳавф остида турибди. Сайгоқ миграцияси сабабларини турли даражаларда тушиниш бу муаммоларни ечишда биринчи калам бўлиши керак.

## Миннатдорчиликлар

Сайгоқни сақлаш бўйича альянс сўнгги 6 ой давомида бизнинг фаолиятимизни қўллаган Марджори Паркер, Мишель Хакеттга, Дарлин Маркович, Кент ва Глория Маршалларга, Стивен ва Карин Чейзларга, Монфорт Джойга, Ким ва Кевин Никейнларга ва Борис Станга миннатдорчилигини билдиради. Россияда қаттиқ қишдан ва Қозоғистонда сайгоқларнинг яши нобуд бўлишидан кейин сайгоқ популяциясини тиклашга ҳайр-эҳсон қилган инсонлар: Кеннон Хадсон, Джефф Флокен, Джессика Кулер, Сюзан Вайтинг, Энтони Денсер, Брентон Хэд, Ханно Шифер, Роберто Коломюо, Гирд Мотузейт Мэтузевикьют, Барбара Палмер, Никодемус Коллоредо, Грэм Элиот ва Майк Моппетларга чин дилдан миннатдорчилигимизни билдираемиз. Шунингдек, ишимизда ёрдам берган WCN ва FFI ходимлари ва волонтерлари ҳамда ушбу сонни чиқишига ёрдам берган ташкилотлар WCN ва WWF-Мўғулистонга миннатдорчилигимизни билдираемиз.

**Таҳрир хайати.** Буюк Британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [маслаҳатчи редактор], Империял Коллеж Лондон ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: проф. А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти ([teriology@mail.ru](mailto:teriology@mail.ru)); Хитой: Г. Цзян, WCS Хитой ([gzhang@wcs.org](mailto:gzhang@wcs.org)); Мўғулистон: Б. Лхагвасурен, ва Б. Чимеддорж, WWF-Мўғулистон ([lkhagvasuren@wwf.mn](mailto:lkhagvasuren@wwf.mn); [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)); Россия: А.Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([rsmabcom@gmail.com](mailto:rsmabcom@gmail.com)) ва проф. Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёвойи ҳайвонлар маркази ([kalmisaiga@mail.ru](mailto:kalmisaiga@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова [ижрочи редактор] ва А. Есипов, Зоология институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)).

Олти тилнинг ҳар қандайда материал юборишингизни сўраймиз. Илтимос, уларни куйидаги манзил бўйича [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz), [saigaconservationalliance@yahoo.co.uk](mailto:saigaconservationalliance@yahoo.co.uk) ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилидаги муаллифлар учун қоидаларни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш ёки редакторлардан олиш мумкин. Агарда саволлар туғилса илтимос, *Saiga News* мамлақтингиздаги редактори ёки ижрочи редактор Елена Бикова ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)) билан боғланг.

Бу нашрни online [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> ва <http://www.wildlifewarden.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf> да pdf форматда, ёки сўровнома бўйича қаттиқ нусха кўринишида инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.